

МАДАНИЯТ ЧОПРАҲАЛАРИ

ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ

CROSSROADS OF CULTURE

№2 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:

Юсупова Марина Римовна
санъатшунослик фанлари
номзоди, доцент

Главный редактор:

Юсупова Марина Римовна
кандидат искусствоведения,
доцент

Chief Editor:

Yusupova Marina Rimovna
candidate of art science, assistant
professor

Масъул котиб:

Маматқосимов Жаҳонгир
Абиркулович - доцент

Ответственный секретарь:

Маматқосимов Джаҳонгир
Абиркулович - доцент

Executive Secretary:

Mamatkasimov Jakhongir
Abirkulovich - assistant professor

Таҳрир ҳайъати:

Баяндиёв Тешавой Баяндиёвич
- санъатшунослик фанлари
доктори, профессор

Редакционная коллегия:

Баяндиёв Тешавой Баяндиёвич
- доктор искусствоведения,
профессор

Editorial team:

Bayandiev Teshavoy
Bayandievich - Doctor of Arts,
Professor

Маврулов Абдухалил
Абдулхаевич - тарих фанлари
доктори, профессор

Маврулов Абдухалил
Абдулхаевич - доктор
исторических наук, профессор

Mavrulov Abdukhalil
Abdulhaevich - Doctor of
Historical Sciences, Professor

Иброҳимов Оқилхон Акбарович
- санъатшунослик фанлари
доктори, профессор

Иброҳимов Оқилхон Акбарович
- доктор искусствоведения,
профессор

Ibrokhimov Okilkhon
Akbarovich - Doctor of Arts,
Professor

Исакулова Нилуфар
Жаникуловна - педагогика
фанлари доктори, профессор

Исакулова Нилуфар
Жаникуловна - доктор
педагогических наук,
профессор

Isakulova Nilufar Zhanikulovna -
Doctor of Pedagogical Sciences,
Professor

Нишонбоева Кундузхон
Вахобовна - тарих фанлари
номзоди, доцент

Нишонбоева Кундузхон
Вахобовна - кандидат
исторических наук, доцент

Nishonboeva Kunduzkhon
Vakhobovna - candidate of
historical sciences, assistant
professor

Хайтматова Сабохат
Агзамовна - санъатшунослик
фанлари номзоди, доцент

Хайтматова Сабохат
Агзамовна - кандидат
искусствоведения, доцент

Khaymatova Sabokhat
Agzamovna - candidate of art
science, assistant professor

Худоев Гани Муҳаммадович -
санъатшунослик фанлари
бўйича фалсафа доктори,
доцент

Худоев Гани Муҳаммадович -
доктор философских наук в
области по искусствоведению,
доцент

Khudoev Gani Muhammadovich
- Doctor of Philosophy (PhD)
in the field of art sciences,
assistant professor

Турсунметова Робия Абдулла
қизи - PhD таянч докторант

Турсунметова Робия Абдулла
қизи - PhD докторант

Tursunmetova Robiya Abdulla
qizi - PhD researcher

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1. Нишонбоева Кундуз Вахобовна. ЗАМОНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЯТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	4
2. Носирова Адиба Мансуровна. САҲНА НУТҚИ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ТАДРИЖИЙ ОМИЛЛАРИ.....	13
3. Юсупова Марина Римовна. ЗНАЧЕНИЕ БИОМЕХАНИКИ МЕЙЕРХОЛЬДА В ПОДГОТОВКЕ СОВРЕМЕННОГО АКТЕРА.....	21
4. Маматқосимов Жаҳонгир Абиркулович. КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	28
5. Мамажонов Дилшод, Кадиров Буривой. ТЕНДЕНЦИИ СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА В 1950-1980 ГОДЫ И ИХ ПОСЛЕДСТВИЯ.....	34
6. Давлатов Ойбек Ғаниевич. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНИАТЮРА САНЪАТИ ШАКЛЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ИЖТИМОЙ ҲУСУСИЯТЛАРИ.....	40
7. Аҳмедова Ойгул Махамдалиевна. ХАЛҚ ТАҚВИМИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИДА МИФОЛОГИК ҚАРАШЛАР.....	46
8. Курбанова Нигора Рахимжановна. РОЛЬ ИЗУЧЕНИЯ ПСИХОЛОГИИ В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСТВА.....	50
9. Алимджанова Нодира Абдугапаровна. ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР.....	56
10. Каримов Бобур. МУСИҚАЛИ ТЕАТР АКТЁРЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ОМИЛЛАР.....	62

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Нишонбоева Кундуз Вахобовна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти,
тарих фанлари номзоди

ЗАМОНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЯТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-2-1>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон маданиятининг модернизациялашувида маданиятлараро ҳамкорликнинг ўрни, Ўзбекистон маданий мероси ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ҳамда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси асосида миллий маданиятни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги қайд этилган.

Калит сўзлар: Модернизациялашув, маданиятлараро коммуникация, маданиятлараро ҳамкорлик, маданий мерос, жаҳон ҳамжамияти, концепция, миллий маданият.

Нишонбоева Кундуз Вахобовна

кандидат исторических наук, доцент,
Государственного института искусств и культуры Узбекистана

СОВРЕМЕННЫЕ ТРАНСФОРМАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ МЕЖКУЛЬТУРНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В этой статье подчеркивается важность межкультурного сотрудничества в модернизации культуры Узбекистана, роли культурного наследия Узбекистана и его значения в мировой цивилизации и дальнейшего развития национальной культуры на основе Концепции дальнейшего развития национальной культуры

на основе концепции в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: Модернизация, межкультурная коммуникация, межкультурное сотрудничество, культурное наследие, мировое сообщество, концепция, национальная культура.

Nishonboeva Qunduz Vakhobovna

candidate of history science, assistant professor of
Uzbekistan State Institute of arts and culture,

MODERN TRANSFORMATION PROCESSES AND PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF INTER-CULTURAL COOPERATION IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

It stresses the importance of intercultural cooperation in modernizing the culture of Uzbekistan, the role of the cultural heritage of Uzbekistan and its role in world civilization and the further development of national culture based on the Concept for the Further Development of National Culture in the Republic of Uzbekistan.

Key words: Modernization, intercultural communication, intercultural cooperation, cultural heritage, world community.

Илм инсон онгу шуури, ақл-заковати, тафаккури ҳосиласи. Инсон - ақл заковатининг эса чек-чегараси йўқ. Унинг тафаккури доимо оқиб турадиган чашмага ўхшайди. У ҳамиша турфа хил янгиликлар, кашфиётлар, ихтиролар яратишда давом этаверади. Булар ҳаётда улкан юксалишлар юзага келишига хисса қўшади, тараққиёт, тамаддун йўлини очиб беради. Шунинг учун илм-фан барча даврларда тараққиётнинг мангулик чашмаси ҳисобланган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Бугунги тезкор жараёнда ҳеч бир мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликларсиз, ундан узилган ҳолда ўз ривожланиш йўлини белгилай олмайди. Илм-фан тараққиёти ҳам дунё олимлари ўртасида ўзаро ҳамкорликларни кучайтиришни талаб этмоқда. Шу ўринда улуғ испан адиби Сервантеснинг "... тарих фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун огоҳлантиришдир" [6, 74] деган сўзларида катта фалсафий маъно бордир. Чунки, тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқ эса ўз келажagini тасаввур қилолмайди.

Бугунги кунда инсоният олдида янги глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Улар иқлим ўзгаришлари, экотизим ва биохилма-хилликни сақлаш, табиий заҳираларнинг тугаб бориши, тинчликни асраш, инсон руҳий экологияси каби ўткир муаммоларни қайд этиш мумкин. Уларнинг оқилона ечими эса ҳар бир инсоннинг интеллектуал салоҳиятининг ўсишини, асраш мобайнида вужудга келган қонунларни қайта идрок этиш ва янгича баҳолашни, бизни қуршаб турган борлиқни кенг миқёсда ўрганиш ҳамда тўғри илмий тадқиқот ва тажрибалар олиб бориб, назарий хулосалар чиқариш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, "замонавий маданиятшунослик фанида глобаллашув шароитида

маданиятларнинг ўзаро алоқадорлиги демократия, плюрализм, толерантлик принципларига асосланиши кераклиги татбиқ қилинмоқда".

Инсон, энг аввало, фикр қилиши, бирор янги нарсани яратишни хаёлида пишиб етиштириши керак, бу пишиб етилган фикрни, ғояни сўзда ифодалаш, бошқаларга етказа олиши зарур. Шундан кейин уни ҳаётда амалга ошириши, дунё тамаддуни учун хизмат қилдириши зарурдир. Ўтмишда яшаб ўтган олис аждодларимиз ҳаётнинг юксалишида илм-фаннинг ролини ана шундай белгилаганлар.

Жаҳон тарихида илм-фанга тўсқинлик бўлган, олимлар, илм-маърифат вакиллари қувғин қилинган, қатагон этилган, тараққиёт йўллари тўсилган даврлар бўлган. Лекин, бу ҳаёт тамаддунини ҳеч вақт орқага сура олмаган. Қадимда шарқ ўлкаларида алломаларга, илм-маърифат вакилларига алоҳида эҳтиром кўрсатилган.

Бу хусусда Абу Райҳон Берунийнинг "Хоразмнинг машҳур кишилари" китобида бир воқеа келтирилади: "Хоразмшоҳ май ичиш учун саройдан чиқди. Менинг уйимга яқинлашиб, келганини билдиришни буюрди. Унинг ҳузурига чиқишга бироз кечикдим. У ҳужрам олдида тўхтаб, отдан ерга тушмоқчи бўлиб турган эди. Мен ер ўтиниб, унга отдан тушманг дея ёлвордим. У менга қараб: "Билим барча мулкларнинг энг аълосидур, барча унга интилуру, унинг ўзи келмайдур. Агар бу эски дунёда шундай қонунлар бўлмаганида эди, мен ҳузурингга келмасдим, мен келдим, яъинки мен эмас, сендаги билим юқори туради", - деб таъкидлайди [2, 10].

Бугунги кунга келиб, ҳеч бир мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликларсиз, ундан узилган ҳолда ўз ривожланиш йўлини белгилай олмайди. Шунингдек илм-фан тараққиёти ҳам дунё олимлари, ўртасида ўзаро ҳамкорликларни кучайтиришни талаб этмоқда. Чунки, эндиликда барча маданиятлар ўзлигини сақлаш учун модернлашишга мажбур бўлмоқдалар. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Шарқда мавжуд бўлган илк Ўрта асрлар цивилизацияси бутун Ғарбга ижобий таъсир ўтказган кейинчалик эса, Ғарбда шаклланган цивилизация Шарқ тараққиётига ўз таъсирини ўтказган ва шу аснода цивилизациялар миллат, халқ ва мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувида ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлиб келган.

Ҳозирги кунда ЮНЕСКО Марказий Осиёда мулоқот ва тадқиқотларни кучайтиришга қаратилган аҳамиятга молик ташаббусларга етакчилик қилиб келмоқда. Олти жилдан иборат бўлган, "Марказий Осиё цивилизациялари тарихи" деб номланган китоблар туркуми ушбу минтақанинг тарихи, маданияти ва илмий ютуқларининг ўта чуқур ва муҳим илмий тадқиқотлари самарасидир. Бундан ташқари ЮНЕСКО Буюк Ипак Йўли масалалари бўйича билимлар алмашиши учун мўлжалланган, турли илмий йўналишлардаги ёндашувлар орқали олим ва тадқиқотчиларни бирлаштиришга қаратилган "Ипак йўли" онлайн платформаси инновацион ташаббусини амалга оширишни бошлаб юборди. Ушбу ташаббус, Осиё, Африка ва Европанинг 55 мамлакатини бирлаштирган ҳолда, халқаро ҳамкорлик, ривожланиш ва мулоқот юритиш мақсадида Буюк Ипак Йўлини замонавий рақамли маконда қайта тикламоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин-ки, айни дамда илмий қадриятларнинг инсон ва жамиятнинг маънавий камолотидаги аҳамияти каттадир.

Марказий Осиёдан етишиб чиққан улуг мутаффакирлар эътиқод далиллари

билан ақл далилларини ўзаро мувафиқлаштиришга, кенг оммани дунёвий ва диний илмларини пухта олам сирларини билишга даъват этганлар.

Шарқона дунёқараш йўналишларининг ҳозирги замон Фарб фикрига таъсири, микрокоинот ва макрокоинот уйғунлиги, инсоннинг ички дунёсини фалсафий тушуниш ахлоқий ва эстетик ғояларга тааллуқлигидадир.

Маданиятшунос олим, профессор А.А.Маврулов таъкидлаганидек, Фарб ташқи дунёни (табиатни) назарий жиҳатдан ўзлаштиришда муҳим кўрсаткичларга ва натижаларга эришган бўлса, Шарқ эса ички дунёни (инсонни) билим йўлида қатъий таъсир қолдирувчи ютуқларга эришди. Шарқ ва Фарб ижтимоий-маданий интеграциялашувида, фан ва маданиятни юқори чўққига кўтаришда Ўрта асрлардаги мутаффакирлар Абу Наср Фаробий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Мусо Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино билан бир қаторда Маҳмуд аз-Замаҳшарий, буюк муҳаддислар имом Бухорий, Ҳаким Термизий, калом илми билимдони Абу Мансур Мотуридий, улуғ фақих Бурхониддин Марғиноний, тасаввуф пирлари Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанднинг хизматлари каттадир.

Асли Фарғоналик бўлган Аҳмад Ибн Муҳаммад ал-Фарғоний қадимги юнонларнинг астрономия ҳамда географияга доир илмий меросини тизимга бўлиб, унинг илмий асарлари XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, бутун Европага тарқалган ва машҳур италян шоири Дантега яхши маълум бўлган. Ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари "Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум" китоби XII асрда Европада лотин тилига икки марта, "Альфраганус" шаклида бошқа Европа тилларида нашр қилиниб, Овропо университетларида астрономиядан асосий дарслик сифатида қўлланилган.

Оврўпо олимларидан Даламбр, Брокельман, И.Ю.Крачковский, А.П.Юшкевич, Х.Зутер, Б.А.Розенфельдлар ҳам Шарқ мутаффакирлари маданий меросига хурмат билан қараб, юқори баҳолаб, ижодини бутун жаҳонга олиб чиққанлар.

Глобал ўзгаришлар туфайли инсон ва инсоният ҳаётининг ҳар бир даври, йили, куни, дақиқалари ўзгача маъно-мазмун касб этмоқда. Бу давр Шарқ ва Фарб цивилизацияларига оид умумий муаммолар, шунингдек инсониятга ва унинг ҳаётининг барча томонларига умумбашарий муаммоларни кескинлашуви ҳам олиб келмоқда. Бу эса албатта, Шарқ ва Фарб маънавий маданиятини янгича тафаккур асосида қайта таҳлил қилиб, танқидий ўрганишни талаб қилмоқда.

Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўзбек халқининг бой маданий меросини ўрганиш, сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш, аждоқларимиз ақл-заковати, меҳнати ва маҳорати эвазига яратилган осори атиқаларни татқиқ этиш, дунёнинг турли бурчакларида сақланаётган маданий меросимиз дурдоналарини ўрганиш борасида кенг қамровли ишлар бажарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги "Қадимий ёзма манбааларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ана шу мақсадларга йўналтирилган бўлиб, кўплаб ижобий натижаларга эришилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг илм-фан ва маданият соҳасидаги ташаббуси кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортмоқда. Ўзбекистоннинг маданий меросини сақлаб қолиш ва кўпайтириш масалалари бўйича маҳаллий илмий ходимлар ва хорижий мутахассислар жалб этилган. "Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида" лойиҳаси ушбу соҳадаги ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Бу ҳақида АҚШнинг Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, маданият ва ҳуқуқ масалалари бўйича эксперти Фредерик Старр шундай дейди: "Ўзбекистон маданий меросини улкан айсбергга ўхшатиш мумкин. Кўпчилик унинг сув сатҳидан кўриниб турган қисми ҳақида маълумотга эга. Ҳали дунёнинг қанча-қанча кутубхоналарида, музейларида, илмий муассасаларида халқимизнинг минг-минглаб дурдоналари сақланмоқда. Бу ҳали улкан тамаддунга эга бўлган халққа тегишли хазинанинг бутунги кунгача етиб келган қисми, холос" [3, 1].

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Ислом цивилизацияси маркази, Маданият вазирлиги сингари давлат ва жамоат ташкилотлари ташаббуси билан "Eriell group" компанияси Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамда ЮНЕСКО ваколатхоналари ҳомийлигида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа Буюк Британия, Германия, Россия, АҚШ, Туркия, Чехия, Франция ва Япония каби давлатларни ўз ичига қамраб олади.

Мазкур лойиҳа дунё музейларида сақланаётган Ўзбекистон маданий мероси ҳақида мамлакат аҳолиси, хусусан, ёшлар билан кенг жамоатчиликни ўзбек халқининг бебаҳо маънавий бойлиги билан таништириш, ўзбек заминида дунёга келган буюк олимларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш, дунё музейларида сақланаётган маданий меросимиз коллекцияларининг тўлиқ маълумот базасини яратиш имконини беради.

Лойиҳа доирасида 2017 йилда катта ишлар амалга ширилди. Чет эл музейларида ва шахсий коллекцияларида сақланаётган артефактлар ҳақида маълумотлар тўплаш учун 30 дан ортиқ илмий сафарлар ташкил этилди. Россия Федерациясида сақланаётган мамлакатимиз моддий ва бадиий маданиятининг хотирасига бағишланган 10 та китоб-альбом чоп этилди. Мазкур ишни амалга оширишда турли мамлакатлардан 50 дан ортиқ олимлар иштирок этишди.

Россия Фанлар Академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти коллекциясидан "Катта лангар Куръони", "Ҳусайн Бойқаро Девони", "Темур Тузуклари", "Равзат - уссафо", "Меърожнома" каби Ўрта асрларга тегишли қўлёзмаларнинг оригинал нусхалари кўчирилиб, давлат ташкилотларига туҳфа қилинди. Лойиҳа ижодий гуруҳи 16 та ҳужжатли фильмни суратга олди.

2017 йилнинг май ойида Тошкент ва Самарқандда, ноябрь ойида Тошкентда халқаро форумлар ўтказилди. Унда дунёнинг 45 мамлакатидан 500 дан ортиқ олимлар иштирок этди, юздан ортиқ илмий маърузалар тингланди.

Тадбирда ЮНЕСКОнинг маданият ишлари бўйича бош директори ўринбосари Эрнесто Ренато Оттон Рамирес иштирок этиб охириги йилларда Ўзбекистонда моддий ва маънавий меросни сақлаш борасида амалга оширилаётган чоратадбирларнинг аҳамияти хусусида тўхталиб ўтди. Жумладан, "Ўзбекистоннинг бой маданий мероси нафақат мамлакатда, балки бутун дунёда - Европа ва АҚШнинг асосий музейларида ва бошқа мамлакатларда сақланаётир ва уни жаҳонга кўрсатиш устида катта ишлар олиб борилмоқда. Ўйлайманки, Ўзбекистоннинг бу масалага айнан мана шундай жиддий ёндашуви - тадқиқот, изланишлар, янги илмий тузилмалар ва бу лойиҳалар тузиши - бу кўплаб мамлакатлар учун намунадир. Тадқиқот, бу - нафақат академик билимлар, балки фарзандларимиз, янги авлод учун муҳим тушунчаларни узатишнинг ўзига хос йўлидир. Биз ЮНЕСКО Ўзбекистон билан фаол ишлаётганидан жуда хурсандмиз"

[4].

Медиа-ивент чоғида Ўзбекистоннинг Франция тўпламларида сақланаётган маданий меросига бағишланган маърузалар тингланди. Лойиҳа доирасида Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий каби аждодларимизнинг Франция миллий кутубхонасида сақланаётган қўлёзмалари ҳақида ҳикоя қилувчи китоб-альбом чоп этишга тайёрланмоқда. Лувр ва Франциянинг бошқа музейларида сақланаётган Ўзбекистон маданий меросининг ноёб артефактлари ҳақида ҳикоя қилувчи китоб-альбомлар тайёрланмоқда.

Медиа-ивент чоғида "Ўзбекистон маданий мероси тўпламларида", "Ўзбекистон обидаларидаги битиклар" сингари лойиҳалар туркумидан чоп этилган китоб-альбомлар, нодир қўлёзмаларнинг факсимиле нусхалари ЮНЕСКО, Франциянинг етакчи музей ва кутубхоналарига Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасига беғараз сифатида топширилди.

Бу борада Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎЗЭОАВМА) ташаббуси билан бир қатор давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга ошириляётган "Ўзбекистон маданий мероси - дунё тўпламларида" мега-лойиҳаси ҳам катта аҳамиятга эга. Лойиҳа доирасида хорижий музей ва шахсий коллекциялардаги Ўзбекистон маданияти ва санъатига тегишли артефактларни аниқлаш, уларни ўрганиш мақсадида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур сафарларда қўлга киритилган маълумотлар асосида 10 жилдли китоб-альбом нашр қилинди. Улардан бир қатор мамлакатлардаги музей ва коллекцияларда сақланаётган Ўзбекистонга оид тарихий ҳужжатлар, археологик топилмалар, халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик намуналари, қадимий қўлёзмалар, тасвирий санъат намуналари ҳақида ўзбек, инглиз, рус тилларида қимматли маълумотлар ва фотосуратлар ўрин олган. Ижодий гуруҳ томонидан ушбу мавзуларга оид 20 та ҳужжатли фильм тасвирга олинди.

Катта Лангар Қуръони Қуръони Каримнинг бизгача етиб келган энг қадимий ва бебаҳо нусхаларидан саналади. Қўлёзма VIII аср охирларида пергаментга куфий-ҳижозий хатида битилган. Нива дарёсининг соҳилида, Россия Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институтида ана шу муқаддас китобнинг бизга етиб келган энг катта қисми 81 саҳифаси сақланади. Бутун дунёга машҳур Усмон Қуръонининг нодир нусхаларидан бири саналган ушбу қўлёзма Россия Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институтига Қашқадарё вилоятининг Қамаш тумани Катта Лангар қишлоғидан бориб қолган. Бу китобнинг яна 16 саҳифаси Ўзбекистонда - Катта Лангар қишлоғида, Тошкент ва Бухорода сақланади.

"Темур Тузуклари" Амир Темурнинг ҳаётлигида ёзилган. Бу бебаҳо асар икки қисмдан Амир Темурнинг етти ёшидан бошланган таржимаи ҳоли ва сиёсий, ҳарбий, маданий ва бошқа йўналишдаги панд-насихатлари, ўғитларини ўз ичига олади. Ҳар икки қисмда ҳам биринчи шахс - Амир Темур тилидан ҳикоя қилинади. "Темур тузуклари" давлат, армия, мамлакат ва жамиятни бошқаришда муҳим қонунлар жамланмаси бўлиб ҳизмат қилади. Буюк Соҳибқирон ана шу тузуклар асосида марказлашган қудратли мамлакат барпо этиб, уни бошқариб келганлар.

Бу бебаҳо қўлёзмаларнинг факсимиле нусхалари бу борада жуда катта тажрибага эга бўлган Европанинг машҳур босмахоналарида чоп этилиб, қўлёзмалар олтин билан сайқалланиб, махсус қоғозларда, оригиналга жуда яқин кўринишда

кўчирилган. Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти ҳамда Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган бу нодир қўлёзмаларнинг факсимиле нусхалари "Шарқ ёзма ёдгорликлари дурдоналари" лойиҳаси доирасида Ўзбекистонга тақдим этилиши кузатилмоқда.

Ана шундай бадиий маданиятнинг бебаҳо дурдоналаридан яна бири Хусайн Бойқаро девони "Девони Хусайний" бўлиб, Темурийлар даври китобат санъатининг энг гўзал ва беқиёс намуналаридан ҳисобланади. Хусайний таҳаллуси билан шеърлар битган Ҳирот ҳукмдори, Темурийлар сулоласининг вакили Султон Хусайн Бойқаро қаламига мансуб. Унинг ўзига хослиги шундаки, ушбу шеърый тўпламнинг ҳар бир саҳифаси олтин билан сайқалланган, нафис миниатюралар билан безатилган. Девон Хуросонда китобат санъати юксак даражада ривожланган бир пайтда Ҳиротда тузилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, китоб Хусайн Бойқаронинг шахсий кўрсатмасига кўра ёзилган. Ушбу китобга ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг ҳам муборак назари тушган. Хусайний газаллари моҳир хаттот Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган. Бу бебаҳо қўлёзма Шарқ Уйғониш даврининг нодир дурдонасидир.

"Меърожнома - туркий адабиётнинг бебаҳо ёдгорлиги бўлиб, XIV асрда ўзбек шоири Ҳайдар Хоразмий томонидан битилган. Асар араб ва уйғур ёзувларидан фойдаланган ҳолда мумтоз ўзбек тилида - қадимги туркийда ёзилган. Асар Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли, буюк олим ва шоҳ Мирзо Улуғбекнинг отаси Шоҳрух Мирзо топшириғи билан яратилган. Қўлёзма яратилишида ўз даврининг энг яхши миниатюрочи рассомлари иштирок этган асар бўлиб, 84 саҳифани ўз ичига олган "Меърожнома" нинг 70 саҳифасини муҳташам миниатюралар ташкил этади. Унда Ислом пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) нинг меърожга чиқишлари, бир кечада Маккадан Куддусга бориб, Масжидулақсонни зиёрат қилишлари билан боғлиқ миниатюраларни ҳам кўриш мумкин. Ушбу бебаҳо қўлёзма Франция Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Шарқ тарихининг етук билимдони Мирхонд қаламига мансуб бўлган "Равзатус-сафо" ("Софлик боғи") катта ҳажмли асар бўлиб, бу асарда пайғамбарлар, хусусан Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ва ул зотнинг халифалари, Шарқда ҳукмронлик қилган бир қанча сулолаларнинг тарихи ҳикоя қилинади. Бу тарихий асарнинг муаллифи Мирхонд (1433-1498) Хуросон давлати сарой тарихчилари мактабининг ёрқин вакили ҳисобланади. Қўлёзма кўплаб гўзал миниатюралар билан безатилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, замонавий маданиятшунослик фанида глобаллашув шароитида маданиятларнинг ўзаро алоқадорлиги демократия, плюрализм, толерантлик принципларига асосланиши кераклиги татбиқ қилинмоқда.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган "Ўзбекистон маданий мероси - халқлар ва мамлакатлар ўртасида мулоқотга йўл" иккинчи халқаро конгрессида дунёнинг турли ҳудудларидан 300 олимни ўзида бирлаштирган Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, асраш ва тарғиб қилиш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг таъсис этилиши мамлакатимиз тарихида катта воқеа бўлди. Чунки, бундай нуфузли ташкилот, халқаро жамият дунёнинг бирор мамлакатада ташкил этилмаган. Халқимизнинг бой ва бетақрор меросини янада кенгроқ тарғиб этиш, чуқур ўрганиш орқали дунё олимлари билан ҳамкорликда ҳали кўпчиликка сир бўлган муҳим янгиликлар билан барчани бохабар қилмоқда.

Масалан, дунёга машҳур олим, тарих фанлари доктори, санкт-петербурглик Ефим Резваннинг Ўзбекистон ҳудудига тегишли бўлган, бугун дунёнинг турли

ҳудудларида сақланаётган 114 та Қуръон нусхалари ҳақидаги қизиқарли маълумотлари дунё олимларини ҳайратга солмоқда. Шундай маълумотлардан яна бири, Япониянинг Миҳо музейи мутахассиси Сергей Лаптев қадимий сопол кошинлар сирини топиш устида изланмоқда.

Албатта, юртимиздаги тарихий обидалар гумбазлари асрлар ўтса-да, ўз тусини йўқотмайдиган ўзига хос сирли кошинлар билан қопланган. Ўтмишда боболаримиз бу гумбазларга ранг беришда турли сирли технологиялардан фойдалангани, жаҳон олимлари ва юртимизнинг фидойи олимлари ҳамкорликда бундай сирни очиш ва халқимизга инъом этиш борасида тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши ва бу қарорда миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар мавжудлигига алоҳида эътибор берилди.

Қарорда - "Замонавий медиа маконда миллий маданиятимиз муносиб ўрин эгалламагани, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ жорий этилмагани соҳани кенг тадқиқ ва тарғиб этиш, халқаро маданий жараёнларга талаб даражасида интеграция қилишга йўл бермаяпти" [1] - деб кўрсатилиши ҳам Ўзбекистон маданий меросини кенг ўрганиш ва унинг жаҳон цивилизациясидаги тутган ўрнини кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси эканлигини биз соҳа мутахассислари олдига кўплаб янги вазифалар қўймоқда.

Ушбу концепциянинг муҳим жиҳати ва долзарб аҳамияти шундаки, жамиятнинг бир тизимда ривожланиши эмас, аксинча хилма-хил маданиятлар ва цивилизациялар мавжудлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ кўп тизимли ривожланиш ғояси ҳам тақдим этилди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳар қандай тарихий жараёнларда барча жамият учун маданиятнинг аҳамияти беқиёслиги яна бир бор исботланиб берилди. Ушбу концепция орқали маданиятни фалсафий англаш ва асослаш билан боғлиқ инсоннинг табиат ва ижтимоий гуруҳида жисмоний, маънавий ва руҳий ҳаёт фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишини назарий тушунтириш усуллари, таҳлилий услублари ишлаб чиқилди.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг Боку шаҳрида бўлиб ўтган еттинчи саммитида иштирок этиши ва мазмунли нутқ сўзлаши нафақат Ўзбекистон, балки барча туркий тилли мамлакатлар учун муҳим аҳамият касб этди.

Кейинги уч йил ичида Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида жуда катта ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар қатори қардош туркий тилли давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш борасида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашида иштироки ушбу ташкилотнинг аъзо давлатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқ-тартибот, табиатни муҳофаза қилиш, маданий, илмий-техникавий, таълим, энергетика, транспорт, кредит-молия ва ўзаро манфаатли бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга кўмак кўрсатиши кузатилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4038-сонли қарори
2. Маврулов А., Бозаров Д. ва бошқалар. Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирларининг илмий-фалсафий мероси. Монография. - Т.: "Сано стандарт", 2017.
3. Аҳмедов А. Аҳмад ал-Фарғоний. Маънавият юлдузлари. - Тошкент, 2006.
4. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. - Тошкент: Фан, 1968.
5. Зоҳидов Ф. ва бошқалар. Шарқ алломалари мероси - фахримиз, ифтихоримиз. - Фарғона: "Фарғона" нашриёти, 2014.
6. Ясперс К. Смысл и назначение истории. - М., 1994.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Носирова Адиба Мансуровна
педагогика фанлари номзоди, профессор

САҲНА НУТҚИ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ТАДРИЖИЙ ОМИЛЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-2-2>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўзбек миллий саҳна нутқи методологияси ва педагогикасининг пайдо бўлиши, унинг ривожланиши, фан сифатида шаклланиши ҳақида маълумот берилиб, мазкур жараёнларда профессор Назира Алиеванинг педагогик ва ижодий фаолияти назарий жиҳатдан ёритилган.

Калит сўзлар: театр, актёр, режиссёр, саҳна нутқи, маданият, санъат, саҳна нутқи методологияси, саҳна нутқи педагогикаси.

Носирова Адиба Мансуровна
кандидат педагогических наук, профессор

МЕТОДОЛОГИЯ СЦЕНИЧЕСКОЙ РЕЧИ И ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь идет о происхождении узбекской национальной сценической речи, ее развитии, формировании в качестве предмета и теоретически освящено педагогическая и творческая деятельность профессора Назире Алиевой в этих процессах.

Ключевые слова: театр, актёр, режиссёр, сценическая речь, культура, искусство, методология сценической речи, педагогика сценической речи.

Nosirova Adiba Mansurovna
candidate of pedagogical sciences, professor

METHODOLOGY OF SCENE SPEECH AND SEQUENTIAL PEDAGOGICAL FACTORS

ANNOTATION

The present article touches upon the origin of Uzbek national stage speech, its development, formation as a subject. It also theoretically consecrates pedagogical and creative activity of the professor Nazira Aliyeva within the processes.

Key words: theatre, actor, director, stage speech, culture, art, methodology of stage speech, pedagogy of stage speech.

Мустақиллик йилларида ҳар бир соҳада изчиллик билан олиб борилаётган туб ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.

Таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш Ҳаракатлар стратегиясининг Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида белгиланган бўлиб, бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда [1].

Жумладан, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан адабиёт, маданият ва санъат ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказилган учрашуви бу борадаги муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилди.

Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор - бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ [2].

Жонажон Ватан ва халқ манфаатлари йўлида қилинаётган бу хайрли ишлар қаторида маънавият ва маърифат, адабиёт ва санъатга ҳам жуда катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 15 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2778-сон қарори, 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарори, 2017 йил 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, 2017 йил 16 августдаги "Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори, 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Республикамизда фан, таълим, маданият ва санъат соҳасига, хусусан, театр санъатига берилаётган улкан эътиборнинг нишонасидир.

Бу борада катта тажрибага эга бўлган устоз санъаткорлар бошчилигида ҳар бир шаҳар ва вилоят театрларидаги ёшлар қарорнинг мазмун- моҳиятини тўғри тушунган ҳолда буюк сиймолар ва замонамиз қаҳрамонлари образлари айниқса, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини акс эттирган бадиий юксак саҳна асарларини яратиш мақсадида ижодий жараёнларни аллақачон бошлаб юборганлари қувонарли ҳол албатта.

Мамалакатимиз раҳбариятнинг миллат тараққиёти ва маънавиятига дахлдор бўлган барча соҳалар айниқса тарбия воситаси бўлмиш театр санъатига эътиборлари кучлилигини ёрқин исботи 2012 йил 4 июнда "Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти"нинг ташкил этилишидир.

Муҳтарам Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев 2012 йилда ҳам давлатимизни бош вазири сифатида бошқараётган пайтларидаёқ, театр санъатини иқтидорли ёшлар билан таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти" биносини тубдан таъмирланиб, моддий техника базасини тўлиқ янгилашда, педагог ва талабаларнинг бир умр орзуси бўлган профессионал ўқув театрининг қуриб берилишида, шахсан ўзлари раҳнамолик қилдилар. Ахир, бу замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган профессионал театр даражасида барча қулайликларга эга техникалар билан жиҳозланган санъат даргоҳини йиллар давомида қанча-қанча таланти ёшлар орзу қилмаган дейсиз.

Албатта, давлатимиз раҳбарининг бундай чексиз ғамхўрлигига, эътиборига жавобан ўз навбатида институт раҳбарияти ҳам фаолиятининг илк куниданоқ театр санъати ва санъатнинг бошқа турларида халқ ҳаёти тарихи маънавий тараққиётини акс эттирадиган асарларни саҳнага олиб чиқадиган, ўзининг тасирчан образлари, кўшиқ ва куйлари билан томошабинга завқ бағишлабгина қолмасдан уни ўйлатадиган, маънавий озуқа бера оладиган ёш истеъодларни тарбиялашдек масъулиятли вазифаларни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар.

Айниқса, театр санъати таълимини профессионал даражада бериш учун мутахассис педагогларнинг таклиф-истакларига кўра шарт-шароитларнинг яратилиши янги-янги ижодий ютуқларга йўл очмоқда. Бу борада институтнинг профессор-ўқитувчилари жадал суръатлар билан театр санъати йўналишининг барча турлари бўйича янги ўқув қўлланма ва дарсликларни чоп эттириб, ўз фанлари бўйича ўқув дастурларини ҳам яратиш устида изланмоқдалар.

Институтимиз раҳбарияти ташаббуси билан театр санъатининг ҳар томонлама бугунги ривожланиш босқичида профессионал театр санъатига асос солган театр дарғаларининг ҳаёти ва ижодларини босқичма-босқич ўрганиш, режиссура ва актёрлик маҳорати борасида машаққатли меҳнатлари туфайли эришилган ютуқларини мерос сифатида асраб-авайлаб, келгуси авлодга уларни янада такомиллаштириб, бойитиб боришдек, эзгу ишларни ёшларга сабоқ сифатида сингдиришда турли учрашув ва семинарлар ҳамда хотира кечаларини ўтказиш яхши анъанага айланиб бормоқда.

Биз яхши биламизки, ўзбек миллий театр санъати ривожидида драматургия ва режиссура қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, уларнинг яна бир ажралмас қисми борки, у ҳам бўлса сўз санъатидир. Яъни саҳнада нутқ ва талаффуз муаммоларини ўз ичига олган "Саҳна нутқи" ҳақида сўз юритмоқдамиз.

Дарҳақиқат, актёрнинг ижро маҳорати билан нутқий маҳорати бир-бирини тўлдирмаса, уйғунлик бўлмаса, ўз-ўзидан маълумки асардаги образ қиёфасини тўла очиб беролмайди ва шу билан бирга актёр шахсининг баркамол эмаслигидан

ҳам далолат беради. Актёрлик шахси ҳақида сўз юритишимиздан мақсад биринчи навбатда унинг нутқи, истеъдоди ва яратилажак образ қиёфасига кира олишида актёрнинг шахси намоён бўлади. Кўпгина устоз санъаткорлар, масалан: Миршоҳид Мироқилов, Раҳим Пирмуҳамедов, Сойиб Хўжаев, Ғани Аъзамовлар фақат асосий ролларни ижро этиб эмас, аксинча, кичик ролларни ҳам маромига етказиб, ўз актёрлик шахсларини намоён эта олганлар. Шунинг учун ҳам биз улуг санъаткорлар қолдирган анъаналарни, уларнинг маҳорат мактабларини чуқур ўрганишга қайта-қайта мурожаат этишдан чарчамаслигимиз керак.

Шу нуқтаи назардан, Ҳамза театри (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри)да фаолият юритиб, амалиётдаги қимматли тажрибаларни ўзбек театри педагогикасига олиб кирган устоз санъаткор Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиеванинг ижодий мероси шунингдек, санъаткор билан ҳамнафасликда фаолият юритган буюк санъат дарғалари Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраеваларнинг нутқий имкониятлари ва актёрлик маҳоратлари доимо кейинги авлод театр санъати вакиллариغا ижодий мактаб вазифасини ўтаб келган ва бунда буён ҳам ўтаб бораверади...

Мақсадимиз бугунги кунда мазкур "Саҳна нутқи" деб аталмиш фаннинг профессионал ўзбек театрини шаклланиш жараёнида намунавий меъёрларни устоз санъаткорлардан М.Уйғур, А.Ҳидоятлов, Е.Бобожоновлар билан ёнма-ён туриб ҳам ижоди, ҳам машаққатли меҳнатлари билан саҳна нутқи методологиясини яратиб, саҳна нутқи педагогикасига тамал тошини қўйган илк устоз Ўзбекистон халқ артисти, профессор Назира Алиева ижодлари ва педагогик фаолиятларининг асосий жиҳатларини ёритишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, "Саҳна нутқи" нима ўзи? У нималарга асосланади?

Албатта, биз биламизки бадиий асар замиридаги мазмун ва ғояни, манзара ва турли тасвирларни янада аниқ ва жозибали қилиб томошабинга ва эшитувчига етказиб берадиган бу фан "Саҳна нутқи" деб аталади.

Албатта, бугунги кунда "Саҳна нутқи" деб аталмиш бу фаннинг шу кунгача қандай шаклланиб келганлиги тафсилотлари билан бирга айнан ўша давр театр педагогикасида яратилган темир интизом ва жиддийлик каби анъаналари ҳозирги олиб борилаётган ислоҳот ва лойиҳалар билан қай даражада ҳамоҳанг бўлаяпти. Аниқроқ айтадиган бўлсак инновацион лойиҳалар театр соҳасининг қайси жабҳаларида ўз аксини топяпти каби саволлар шу соҳа мутахассисларини қизиқтириши табиийдир.

Ана шу саҳнавий нутқни фан даражасига олиб чиққан истеъдодли актриса ҳам моҳир педагог Назира Алиева 1911 йил Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топди.

Онадан жуда ёш ажралиб қолган Назира Алиева кейинчалик ўзларининг "Санъат менинг ҳаётим" номли мемуар рисолаларида "Аям оғир касаллик туфайли оламдан ўтгач, мен холам Ултайхон Жўрабекованинг тарбияларида қолганман" - деб эслайдилар. Кейин яна давом этиб, "Бу қалби сахий, дарёдек бағрикенг аёлнинг менга бўлган чексиз мурувватининг яна бир қимматли томони шундаки, у ўз ҳикоялари, халқимиз яратган дostonлари ҳақидаги қатор нақллари билан мени нафосат дунёсига олиб кирди, адабиёт, санъат оламига улкан меҳр уйғотди. Менинг санъат остонасига дастлаб қадам ташлашим "Воҳидия" деб номланувчи мактаб қошида ҳаваскорлик драма тўғарагидан Воҳид ака Маликбоев раҳбарлигидан бошланди..." - деб ёздилар.

Дастлаб Назира Алиева холалари бағрида санъатга ошно бўлиб улғайган бўлсалар, илк бор саҳнага Воҳид ака Маликбоев раҳбарлигида кириб келди. Ёш бўлишига қарамай Воҳид акадан олган сабоғи туфайли Ф.Зафарийнинг "Ҳалима" спектаклини саҳналаштирди ва ўзи Ҳалима ролини ижро этди. Спектаклдан аввал Аброр ака нутқ сўзлайди. Ана шунда Назира Алиева Аброр Ҳидоятлов билан илк бор учрашади. Чунки, ўша даврда Аброр ака рус реалистик театр усталари қўлида таҳсил олар эди.

Иқтидорли Назира Алиева ўзбек театри санъатининг келажаги равнақига буюк хизматлари билан ҳисса қўшган фольклоршунос олим Ходи Тиллаевич Зарипов, Сайфи қори Олимовларнинг ташаббуси билан Боқуга театр студиясига ўқишга юборилади.

Боқуда З.Қобулов билан биргаликда Озарбайжон Давлат Турк театри техникумида таҳсил олади. Таътилга келишганида Ж.Жабборлининг "Ойдин" пьесасини тайёрлаб келишади. Н.Алиева бу саҳна асарида Гултакин ролини ижро этди. Бу воқеа 1927 йили июнь ойида рўй берди. Ўша вақтда Ўзбекистон пойтахти Самарқанд бўлиб, эндигина Москва студиясини битириб келган М.Уйғур, Е.Бобожонов, С.Эшонтўраева, А.Ҳидоятлов, Т.Султонова, Т.Саидазимова, З.Ҳидоятлова, Л.Назруллаев, Ш.Қаюмов, С.Табибуллаев, Х.Исломов, Х.Латиповлардан иборат эди. Икки студия талабалари ижодий кўрикдан ўтадилар.

Н.Алиева техникумни тугатгач, 1929 йили Москва Марказий театр санъати техникумига йўл олади. У ерда машҳур театр санъати усталари Б.А.Сушкевич ва Е.Ф.Саричевалардан сабоқ олади. Айниқса, Е.Ф.Саричевадан нафақат саҳна нутқи фанининг жозибасини, ундан педагоглик сирларини ҳам ўрганади. Амалиёт ўташ учун Тошкентга келган Н.Алиева "Колизей" театрига бириктирилади. Н.Алиева бу ерда мусиқали саҳна асари "Фарҳод ва Ширин"да Ширин образини яратади.

1933 йили Ҳамза театри қошида М.Уйғур раҳбарлигида театр студия очилади ва Н.Алиева шу ерга жалб қилиниб, у саҳна нутқи ва актёрлик маҳоратидан дарс бера бошлайди. Раҳбар Уйғур оға бўлганлиги боис ундан сўз устида ишлаш жараёнини ўрганади.

Хуллас, 1929-1934 йиллар давомида Н.Алиева (илгари Москва театр санъати техникуми) А.В.Луначарский номидаги Москва давлат театр санъати институти, яъни ГИТИСни муваффақиятли тугатиб, ўзбек ва озар саҳнасида баракали ижод қилади.

У Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театрида Турондот (К.Гоцци "Маликаи Турондот"), Холисхон (Ҳамза "Холисхон"), Ширмон (И.Султон "Бургутнинг парвози"), Дездемона (В.Шекспир "Отелло"), Лариса (А.Н.Островский "Сепсиз қиз"), Нина (М.Ю.Лермонтов "Маскарад"), Марианна (Мольер "Тартюф"), Саодат (К.Яшин, А.Умарий "Ҳамза") каби ўнлаб йирик образларни яратиб, ўзбек театри санъати равнақига салмоқли ҳисса қўшди.

Назира Алиеванинг босиб ўтган сермазмун ижод йўлини, унинг ижодкорлик сиймосини, ўзбек ва озарбайжон халқларининг дўстлиги рамзи деб ҳам айтиш мумкин.

У Азизбеков номли Озарбайжон Давлат Академик драма театри саҳнасида Сўна хоним (Ж.Жабборли "1905 йил"), Маша (А.С.Пушкин "Дубровский"), Ўт келини (Ж.Жабборли "Ўт келини"), Дурдона (Х.Жовид "Сиёвуш"), Дездемона (В.Шекспир "Отелло"), Шарофнисо хоним (М.Ф.Охундов "Меъсэ Жордан ва Мастали шоҳ"), Эсмеральда (В.Гюго "Собор Парижской богоматери"), Сусанна

(А.Ширванзода "Номус") каби образларни озар тилида ҳам юксак даража да талқин этиб, катта эътибор қозонди.

Назира Алиева ижодининг диққатга сазовор яна бир томони шундаки, у ўзбек ва озарбайжон саҳнасида спектакль саҳналаштиришга журъат этган биринчи ўзбек аёл режиссёри сифатида ҳам унинг шижоати ва ютуқлари эътирофга лойиқдир. Айниқса, Назира Алиева "Сепсиз қиз", "Маскарад", "Ҳамза", "Муқанна", "Денгизчилар шарафига", "Алишер Навоий" каби спектаклларда етакчи саҳналаштирувчи устозлар қанотига кириб, режиссёрлик қилган.

Устоз ўзининг "Санъат менинг ҳаётим" китобида 1940 йилда саҳналаштирилган Шекспирнинг "Отелло" спектакли репетицияси тафсилотлари ва унинг расмий режиссёри Маннон Уйғурнинг тил ва талаффуз устидаги иш жараёни ҳақида шундай ёзади: Оға "Отелло" спектакли муносабати билан талаффуз устида гапирар экан, ҳар бир товушнинг бурро-бурро, аниқ ва равшан эшитилишини, қатъий айтилган ҳар бир сўз маълум маъно касб этишини, аниқ мақсадга йўналтирилишини, суҳбатдошнинг фикрини ҳаракатга келтирилишини, эмоционал таъсир кучига эга бўлишини қатъий талаб қиларди. У кишининг талабларига театр бўйича фақат уч киши мукамал жавоб бера оларди, холос. У ҳам бўлса Аббор ака, Шукур Бурхонов ва Олим Хўжаев эди. Ибратли жойи шундаки, Оға ўзи мутлақо адабий тилда гаплашар, шевани сира-сира аралаштирмасди..."

Устоз Назира Алиеванинг бебаҳо мазкур китобларини варақлаган сари нафақат саҳнавий нутқ масалаларига оид масалалар, ҳаттоки, ижодий ҳамкорлик, яъни драматург билан театр аҳлининг ҳамфикрлиги, холисона айтилган камчилигу ютуқлар бир бутун спектаклнинг муваффақиятли чиқишига замин яратилишини аниқ мисоллар орқали ифодалаганлигини кўриш мумкин. Масалан, Иззат Султон ва Уйғунларнинг "Алишер Навоий" пьесасининг театрга олиб келиниши театр жамоаси учун ҳам шарафли, ҳам масъулиятли эди. Оға бошчилигида театрдан Навоий даври ва ижодини қайта-қайта ўрганиш мақсадида юксак савиядаги маърузаларни йирик навоийшунос олимлар томонидан уюштирилиши, ижодий жамоада янада фаоллик ва асарга бўлган қизиқиш ортиб борганлигини саҳифадан саҳифага ўтишда англаб олиш қийин эмас.

Мазкур пьесанинг саҳналаштирилиши (1945 йил) устоз Назира Алиева ҳаётида ҳам муҳим бурилиш бўлди. Яъни, спектаклнинг саҳналаштирувчи режиссёри этиб Маннон Уйғур ва режиссёр сифатида опа тайинландилар. Назира Насридиновна спектаклдаги барча ижрочиларнинг тили ва талаффузи устида тинимсиз изланиб, катта ижодий иш олиб бордилар. Бу ҳақда опа шундай ёзадилар: "Алишер Навоий" спектакли менимча Ҳамза театрида, ва қолаверса бутун ўзбек театри маданиятида ягона саҳна нутқи шаклланиб етишувининг якунловчи босқичи бўлди. Театрда ягона тил ва талаффуз учун кураш биринчи кунлардан бошланган эди. Бу кураш "Ҳамза", "Бой ила хизматчи" ва "Алишер Навоий" спектакллари туфайли ўзнинг қонуний интиҳосини топди. Тўғри, "Бой ила хизматчи"да тошкентлик, бухоролик, қўқонлик актёрлар гарчи ягона адабий тилда гапирса ҳам айрим товушлар талаффуздан, аффикслар талаффуздан ва нутқ оҳангидан уларнинг қаерлик эканлиги озми-кўпми билиниб турарди. "Алишер Навоий" спектаклига келганда эса бу босқич ҳам ниҳоясига етди ва энг юксак саҳна нутқи маданияти қўлга киритилди, деб айтиш мумкин. Чнки, бу спектаклдаги айрим образларга хос нутқий характеристика ҳисобга олинмаса, ягона адабий тилнинг энг мукамал формаси шаклланди. Шунинг учун ҳам "Алишер Навоий" спектакли ўзбек саҳна

нутқи шаклланишининг ҳал қилувчи, ягона тил ва талаффуз сари бурилиш нуқтаси, деб дадил таъкидлаш мумкин".

Дарҳақиқат, "Алишер Навоий" спектаклининг саҳналаштирилиш жараёнлари изтиробу изланишлар, ҳозирги миллий театр саҳнавий тилининг шаклланишига янада мустақкам замин ярата олди.

1945 йил собиқ Тошкент Давлат Консерваторияси қошида Тошкент Давлат театр санъати институти очилиб, Оға ва айрим етакчи санъат-корлар қатори Назира Алиевани ҳам педагогик соҳасига таклиф этдилар.

Назира Насридиновна Ҳамза театри (ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театри)да М.Уйғур, А.Ҳидоятлов, Е.Бобожоновдек устозлар ёнида фаолият юритиб, амалиётдан олган қимматли тажрибаларига, айниқса, Москва давлат театр санъати институтидаги устозлари Б.М.Сушкевич, С.Г.Бирман, Е.Ф.Саричевалардан олган билимларига суяниб ишлаб бошлади.

Айниқса, устозларидан, ўша даврнинг ўзида саҳна санъатининг фан сифатида шаклланишига асос солган устоз педагог олимлардан бири Елизавета Феодоровна Саричевага меҳр қўйди. Бу ҳақда она шундай ёза-дилар: "Мен санъатга оид бошқа фанлардан дарс беришим мумкин эди. Бироқ, улар орасида "Саҳна нутқи" предметини танладим ва бу предметни умр бўйи асосий касбим деб, эъзозлайман. Бу фанга нисбатан бунчалик ихлосни менда Е.Ф.Саричева уйғотди", - деб ёзадилар. Демак, шунга ўхшаш кўплаб маълумотларга қараганда устоз Боку техникумида ўқигандаги фаолиятида "Саҳна нутқи" техникаси узида ишланмаганлиги талаффуз бўйича ҳам барча вазифалар комплекси, фақат шеърӣ парчалар устига юклатилганлиги нотўғри эканлигини тушунади. Ана шундан кейин у ўзининг етук устозлари М.Уйғур, Е.Бобожонов, А.Ҳидоятловлар ёнида фаолият юритиб, амалиётдан олган қимматли тажрибаларига ва москвалик устози Е.Ф.Саричеваларнинг услубларига эътиборини янада кучайтириб, бошланғич машаққатларни енгиб, ўзбек миллий саҳна нутқининг назарий жиҳатларини уни фан сифатида шакллантиришга астойдил киришди ва асослаб берди.

Устознинг "Санъат менинг ҳаётим" номли китобларини қайта-қайта ўқиганим сари ўзим учун янги бир саҳифа очгандай бўламан. Назаримда, актриса ва педагог Назира Алиеванинг ижод тошқинлари саҳнавий нутқ борасидаги илмий қарашларини бир китобга сиғмаётгандай туюлаверади. Ҳар бир бўлим, ҳар бир сарлавҳа катта мавзуларни ўзига қамраб олганлиги ва ҳар бири алоҳида китоб бўлаётганлиги билан қимматлидир. Масалан "Саҳна нутқи" бўлимида "Нутқ масаласи менинг олдимда турган энг катта тоғ эди" деб бошлашларини ўзидаёқ улкан маъно тургандек, худдики, устоз нутқий муаммони келажакда ҳаётларининг мазмунига айланиб, унинг машаққатларини олдиндан сезгандек сўз юритадилар.

Профессор Назира Алиева институтнинг "Саҳна нутқи" кафедрасида узоқ йиллар фаолият юритиб, ўзининг саҳнавий нутққа оид ўнлаб рисола ва мақолалари, маъруза матнлари билан театр педагогикаси хазинасига етарли даражада илмий ва амалий ҳисса қўшди. Ундан таълим олган шогирдлари орасида санъат арбоблари, ўнлаб Ўзбекистон халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар, фан номзодлари, кўплаб театр санъати педагогларини борлиги, онанинг дарс бериши билан бирга ҳар бир истеъдодли талабага истиқболда улкан санъаткор бўлиб етишуви эҳтимолдан ҳоли бўлмаган сиймо сифатида қараб, уларга меҳр бера олганлигидадир.

Ҳа, "Шогирдларим - менинг давлатим" - деб ўз китобларида ёзганларидек, фахрланишларига асослари бор эди, албатта. Устознинг шу ишонч ва фахрларини

янада оқлаш учун қолаверса, улар бошлаган бу масъулиятли ишларни театр сахнасидаги анъаналар давомийлигини таъминлаш ҳозирги ёш авлод зиммасидадир. Айниқса, устозларнинг нутқий етукликка эришишдаги масъулият ва эътиборлилиқни, эътиқодлилиқни, буюк санъаткор Маннон Уйғурнинг режиссёр сифатида сўзга талабчан бўлганлиқлари, Уйғурона жиддийлик ва талабчанлик ҳозирги ёшларимизга касбий мерос ва фаолиятининг асоси бўлмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. // Халқ сўзи. - 2017. 4 авг .
3. Алиева Н. Санъат менинг ҳаётим. - Тошкент: Ф.Фулом нашриёти, 1978.
4. Носирова А. Жонли сўз санъати асослари. - Тошкент: 2003.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Юсупова Марина Римовна
доцент Государственного института искусств и
культуры Узбекистана, кандидат искусствоведения

ЗНАЧЕНИЕ БИОМЕХАНИКИ МЕЙЕРХОЛЬДА В ПОДГОТОВКЕ СОВРЕМЕННОГО АКТЕРА



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-2-3>

АННОТАЦИЯ

Цель данной статьи ознакомление с основными принципами "биомеханики" Мейерхольда. Изучение разработанных им основных законов пластической композиции и актерским тренингом. Определения основной задачи Всеволода Эмильевича при подготовке современного исполнителя путем постоянно применяемых физкультурно-акробатических упражнений для формирования "трагикомедианта", противоположного "артисту нутра". Так же в статье идет речь об основных правилах сценического движения.

Ключевые слова: биомеханика, современный театр, актер, упражнения, тренинги, педагогическая система, режиссура, культура, искусство.

Юсупова Марина Римовна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти,
санъатшунослик фанлари номзоди

ЗАМОНАВИЙ АКТЁР ТАРБИЯЛАШДА МЕЙЕРХОЛЬД БИОМЕХАНИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақоланинг мақсади Мейерхольд "биомеханика"сининг асосий принциплари билан танишишдан иборат бўлиб, у томонидан ишлаб чиқилган пластик композициянинг асосий қонунларини ўрганиш ва амалдаги машғулотларда қўллаш, "трагикомедиант"ни яратиш учун жисмоний-акробатик машқларни доимий равишда қўллаш орқали замонавий ижрочини тайёрлашдаги асосий вазифани аниқлашдир. Шунингдек, мақолада биз саҳна ҳаракатининг асосий

қоидалари ҳақида гапирамиз.

Калит сўзлар: биомеханика, замонавий театр, актёр, машқлар, тренинглари, педагогик тизим, режиссёрлик, маданият, санъат.

Yusupova Marina Rimovna

Assistant professor of Uzbekistan State Institute of arts and culture,
candidate of art science

THE VALUE OF MEYERHOLD'S BIOMECHANICS IN THE PREPARATION OF A MODERN ACTOR.

ANNOTATION

The purpose of this article is to familiarize yourself with the basic principles of Meyerhold's "biomechanics". Studying the basic laws of plastic composition developed by him and acting training. Definitions of the main task of Vsevolod Emilievich in preparing a modern performer by constantly applying physical-acrobatic exercises to form a "tragicomediant", opposite to the "artist of the nutra". Also in the chapter we are talking about the basic rules of the stage movement.

Keywords: biomechanics, modern theater, actor, exercises, trainings, pedagogical system, directing, culture, art.

Биомеханика - термин взят Мейерхольдом из области биофизики и путем экспериментов и опытов полностью приспособлен к разработанной им системе упражнений, направленных на немедленное выполнение актерских задач. Сам термин происходит от греческих слов "BIOS"-жизнь + "INXAVIKN" - наука о законах механического движения тела и причинах его возникновения.

Наука "Биомеханика" изучает механические свойства живых тканей.

Борис Евгеньевич Захава в своей книге "Мастерство актера и режиссера", объясняя разницу "метода физических действий" Станиславского и "биомеханики" Мейерхольда, писал об огромном влиянии на становление "биомеханики" известного американского психолога Джеймса. Его учения выражались в формуле "Я побежал и испугался".

Борис Евгеньевич доказывал что органичное, убедительное действие получалось только у самого Мейерхольда. Ученики упустили: "какое-то важное звено. Это звено - оценка той опасности, от которой нужно убежать. Мейерхольд бессознательно эту оценку осуществлял - этого требовало огромное чувство правды, присущее его исключительному таланту" [4, 139].

Но бежать - это просто механическое действие, а вот "убегать" - физическое действие, подразумевающее целенаправленный акт человеческого поведения.

Из-за того что некоторые позиции "метода физических действий" и "биомеханики" схожи их нередко отождествляли. Но это неверная позиция, так как различий куда как больше и они полностью взаимоисключают друг друга. Мейерхольд долго шел к театру "больших обобщений". Готовясь к открытию студии на Поварской - он изучал труды А.Шопенгауэра, был под большим впечатлением от книги Г.Фукса "Сцена будущего". Но самое большое впечатление и влияние на него оказали труды и достижения американского инженера

Ф.У.Тейлора, который разработал метод научной организации труда.

"Секрет заключается в том, чтобы отказаться от всех лишних, непроизводительных движений, придать любой физической работе ритмичность, научить человека правильно найти центр тяжести и устойчивости" [8, 314].

К тому же режиссер-новатор интересовался достижениями мирового театра (японского, китайского, комедии дель Арте, испанского, русского). Интерес к традициям японского и китайского театра, впервые возник у Мейерхольда после прочтения книги Г.Фукса "Сцена будущего", где им отмечалось "ритмическая колоритность" восточного театра.

Эстетика театральной культуры Востока, издревле связана с традицией символа и была созвучна идеям европейского символизма XIX века.

В ранних постановках - "Смерти Тентажиля" М.Метерлинка и "Виновны не виновны" А.Стринберга, Мейерхольд использовал "интенсивное молчание" в кульминационные моменты. Проводить аналогию с философией дзенбудизма не стоит, скорее всего он гиперболизовал знаменитые паузы Художественного театра в Чеховских спектаклях.

Мейерхольду импонировала простота, лаконизм, приёмы мизансценирования, графичность движений и предельная выразительность театра Востока. Так же Мейерхольд долго изучал лирическую Эпиду азиатского театра, конденсированность эмоций, острое чувство театральности, враждебную натурализму. Размышляя об особенностях Шекспировского театра, Мейерхольд выделял шутку, свойственную народному зрелищу Японии и Китая.

Всеволод Эмильевич долго и упорно экспериментирует с обустройством сцены, (1906) Полтава - "Приведение" Г.Ибсена, "Каин" О.Дымова - убирает занавес, рампу, выдвигает в зал процениум. Но пока это все сохраняет закон единства места и времени, а его увлекают идеи быстрого конструктивного изменения как в психологии актерского исполнительства, так и в организации пространства.

Нужно подчеркнуть, что именно в Полтаве при постановке "Крика жизни" А.Шницлера, Мейерхольд по свидетельству биографа Н.Волкова: "... рассматривал каждое движение как танец (японский прием), даже тогда, когда оно не было вызвано волнением" [2, 248].

Вновь к Метерлинку, Мейерхольд обратился в Петербурге ("Чудо странника Антония") и здесь он стремился добиться ощущения фантазмагии происходящего. Ему нужен был свой актер, понимающий его задачу и его идею. Именно в этот период он заявлял об актере - марионетке, хотя и оговаривал: "приём не для создания актера-куклы" - он вовсе не хотел марионеткой заменить живого актера [5, 197].

Постепенно внутри символистского театра Мейерхольда возникает новая концепция условного театра. Он делает совершенно неожиданный шаг в постановке Блоковского "Балаганчика". Его он ставит трижды. В 1906 г. Объединяя "Балаганчик" и "Чудо странника Антония" он продолжает поиск поэтики условного театра и новой "правды жизни" на сцене.

Очень большое внимание в театральной концепции Мейерхольд придавал понятию "Самолюбование актера в процессе игры", или иными словами - принципу "зеркаленья". Он не любил пустые позы и рисовку во время действия, но утверждал что актер должен развивать способность видеть себя со стороны, как бы в зеркале, что бы запомнить точный и красивый жест.

Эту же задачу, почти в это же время решали Крэг и Рейнхард. Это была проблема взаимоотношений актера и образа. Всеволод Эмильевич продолжал свои поиски театральной выразительности и поэтической в постановках "Мистерия - буфф" В.Маяковского, "Великодушный рогоносец" Ф.Кроммелинка, "Лес" А.Островского, "Смерть Тарелкина" А.Сухова-Кобылина и др. Эти опыты во многом определили лицо современного театра. Он переосмыслил восточные формы и ввел их в контекст европейской культуры.

Если рассматривать весь путь поиска своей театральной эстетики, то он больше представляет зигзагообразную линию. Но каждая черточка этого пути наполнена поиском новых выразительных средств и мощной энергией. К примеру в августе 1906 года, он становится главным режиссером Столичного театра Веры Комиссаржевской. И с 10 ноября по 30 декабря ставит 6 огромных и значительных постановок:

10 ноября - "Гедда Габлер" Ибсена с Комиссаржевской в главной роли;

13 ноября - "В городе" С.С.Юшкевича;

22-ноября - "Сестра Беатрис" Метерлинка с Комиссаржевской в главной роли;

4-декабря - "Вечная сказка" С.Пшибышевского с Комиссаржевской - исполнительницей главной женской роли;

18 декабря - "Нора" Ибсена с Комиссаржевской в заглавной роли;

30 декабря - "Балаганчик" Александра Блока, в котором Мейерхольд так же играл роль Пьеро" [3, 29]. Шесть постановок за пятьдесят дней - вняли современные режиссеры обладают таким творческим мужеством и желанием.

Если о К.С.Станиславском говорят как о реформаторе не только театра но и оперного искусства в целом, то о Мейерхольде и о его режиссуре музыкального театра вспоминают не с меньшим уважением и почитанием. Музыку Всеволод Эмильевич любил с детства. В Пензе, в отцовском доме звучала классическая музыка. Сам он учился играть сначала на фортепьяно, затем в гимназические годы, на скрипке. Его знакомыми были А.К.Глазунов, А.Н.Скрябин, А.К.Лядов, Э.Ф.Направник, И.А.Сац, М.Ф.Гнесин, Ф.И.Шаляпин, В.В.Софроницкий, С.А.Самосуд, Л.Н.Оборин, Б.В.Асафьев.

Попав в Мариинский театр (1908г), Мейерхольд меньше всего хотел нарушить сложившиеся в этом театре традиции. Весь свой талант он направил на соединение музыки, пластики и звучащего слова. Мейерхольду удалось поставить восемь оперных спектаклей. Именно они были насыщены сценическими метафорами большой поэтической ёмкости. Всеволод Эмильевич провозгласил: "что музыка является главным ориентиром в его режиссуре, и, как правило, он не изменял этому ориентиру" [3, 350].

В музыке четкий ритм, форма, развитие, эмоция, законченность и она развивает действенное творческое воображение, что так ценится в исполнительском искусстве актера и режиссера. Для Мейерхольда актер является "главным фактором сцены" и он старался всеми средствами своей новой системы - раскрыть удивительную душу творящего человека здесь и сейчас.

Когда К.С.Станиславский работал с Мейерхольдом над ролью барона Тузенбаха чувства Всеволода Эмильевича были наколены непониманием задачи которой от него требовал мастер. Мейерхольд ненавидел Константин Сергеевича за его остановки и повторы определенных действий, которые были по его мнению не выразительны и не оправданы изнутри. Тузенбах шел к роялю и говорил свою

речь. Она получалась механической и напыщенной. Станиславский добавил действия (бросал бумажку, которую надо было поднять и прочесть, откупорить у рояля бутылку вина). Как нестранно - это помагло. "Я тогда ненавидел бутылку, ненавидел себя, ненавидел всех на свете - и я попал в такое положение, где возникли препятствия, и тогда в своем монологе я нашел интонацию правды" - вспоминал Мейерхольд [6, 67].

Преодоление этих препятствий отвлекло от лишних мыслей, сняло мышечное напряжение и заставило действовать точно по предлагаемым обстоятельствам. Станиславский нашел живой жест, который натолкнул на условный рефлекс. И в голосе тогда зазвучала живая интонация.

Позже в своей режиссерской практике Мейерхольд высоко оценит эту помощь своего учителя и разовьет свой метод биомеханики, который раскрывает безграничные возможности души и тела исполнителя.

Изучая труды философа - дуалиста и психолога Джеймса, который пришел к выводу о важности в теории: "потока сознания" не самого сознания, а поведения, которое воспринимается в данном случае, как совокупность двигательных и сводимых к ним словесных и эмоциональных ответов (реакций) на воздействия (стимулы) внешней среды" [7, 112]. Мейерхольд столкнулся с движением "Бихевиористов". На его основе возник целый комплекс наук, где все реакции человеческого организма рассматривали "с позиции двух основных законов:

"Закон эффекта": всякая реакция закрепляется и приобретает тенденцию к повторению.

"Закон упражнения": одни и те же реакции на одни и те же стимулы закрепляясь, автоматизируются" [7, 112].

Но развитие науки, в том числе и техники ставит вопрос об управлении человека техническими средствами. И в этом случае на первый план выдвигается не "выработка механической энергии", а "целесообразное управление этой энергией".

Бихевиоризм, который в 20-е годы XX века пришел к своей классической форме, привнес свое понимание поведения человека и в антропологию, и в социологию, и в педагогику, и естественно, не мог не сказаться на поисках Мейерхольда кольцевой схемы взаимодействия между центром любой системы и её исполняющими элементами.

Весь метод "Биомеханики" состоит из двух частей:

1-я Часть представляет собой несколько вариантов разминки.

2-я Часть - Актерские упражнения.

Так же Мейерхольд разработал законы пластической композиции и основные правила сценического движения.

Вся система направлена на раскрепощение не только тела но и высвобождение эмоции через выстраивание тела в четко заданную форму, которая развивает у актера множество навыков сцены [8, 316]:

навык выразительного движения - умение переходить от напряжения к расслаблению; подчинять действия определенному ритму; контролировать баланс; фиксировать ракурсы тела (позиции);

способность видеть себя со стороны (внутреннее зеркало "шпигель" или "Зеркаленья" или "самолюбование актера в процессе игры", который мы описывали в предыдущем параграфе;

умение работать с предметами, взаимодействовать с группой и сценическим

пространством;

мобилизованность всего психофизического аппарата для творческой работы.

К примеру "Реалистичность", которую требовал Станиславский у Михаила Чехова сковывала любые начальные действия актера. Именно поэтому он опирался на воображение, как учил Мейерхольд.

Мейерхольд разработал три основных закона пластической композиции.

- 1- Закон контраста.
- 2- Закон зависимости эмоций от тела.
- 3- Закон тела как единой системы.

Каждый этап актерской игры состоял из трех фаз: намерения, осуществления, реакции.

Основные правила сценического движения.

- 1-ОТКАЗ;
- 2-ТОРМОЗ;
- 3-ПОСЫЛ.

Что такое отказ и тормоз? Это два элемента режиссерской технологии Мейерхольда. Более точно эти приемы раскрываются в музыке. Большинство больших музыкальных произведений композиционно имеют такое построение. К примеру в сонатном цикле между первой частью сочинения, которая протекает в быстром движении (*allegro*) и стремительным финалом есть часть написанная в медленном темпе. В этом есть композиционная целесобразность, которая усиливает восприятие финала.

"Мейерхольд называл "тормозом" всякое препятствие, всякое замедление и остановку, возникающую на пути определившегося движения" [1, 25].

"Отказ" служит для усиления восприятия важного поступка и является наилучшим средством театральной выразительности. Он всеобъемлемый и используется не только в сценическом искусстве, но и кино. "И если отказной взмах нужен для удара по шляпке гвоздя, то для "удара" по психике зрителя, когда в нее надо "вонзить" тот или иной сценический выразительный элемент, действие ваше вынуждено прибегнуть к тому же принципу отказа и в той же принципиальной направленности" [9, 81].

Значение "отказа" и различные приемы усиления, служат преднамеренному усилению и подчеркиванию того или иного сценического положения. Формулируя сущность "отказного" движения можно привести пример - прежде чем идти в определенном направлении актер начинает движение (как бы отказывается от первого намерения) в противоположную сторону. После этого приёма он продолжит движение в первоначальном направлении и это как одно из "сквозных закономерностей" является разновидностью выразительных построений.

"Посыл" - Это так-же принцип решающий выразительное обозначение важных действий, которые нуждаются в особой фиксации и точном обозначении на сцене. Все три части движения связаны между собой: отказ-тормоз, посыл и тормоз, который вообще без второго не мыслим.

Посыл это не просто передача информации другому персонажу выстраиванием схемы движения и точек фиксации (тормоза) этих перестановок в пространстве. Он так же работает четко и образно в массовых сценах, раскрывая общую композицию, центральную точку и каждого участника в отдельности.

Использованная литература:

1. Варпаховский Л.В. Наблюдения, анализ, опыт. ВТО. - Москва. 1978. - 277 с.
2. Волков Н.Д. Мейерхольд. - Москва. 1929. - 248 с.
3. Гликман И.Д. Мейерхольд и музыкальный театр. - Ленинград: Композитор, 1989. - 352 с.
4. Захава Б.Е. Мастерство актера и режиссера. 2-изд. - Москва: Просвещение, 1973. - 320 с.
5. Мейерхольд Вс.Э. О театре. СПб. - Москва. 1913. - 179 с.
6. Мелик-Захаров, С.В. Богатырев, К.С. Станиславский. Наука. - Москва. 1963. - 279 с.
7. Морозова Г.В. Сценическое движение. Биомеханика: наука и театральный миф. - Москва: Первая Образцовая типография, 2005. - 160 с.
8. Сарабьян Э. Большая книга актерского мастерства. - Москва. 2017. - 789 с.
9. Эйзенштейн С. Избр. Произв. В 6 томах. - Москва: Искусство, 1964.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Маматқосимов Жаҳонгир Абиркулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти

e-mail: jahongir.80@mail.ru

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-2-4>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада номоддий маданий мерос тушунчаси, номоддий маданий мерос муҳофазаси юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва уларнинг аҳамияти, ўқувчиларда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан методик тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Номоддий маданий мерос, муҳофаза, номоддий маданий мероснинг ҳуқуқий асослари, Конвенция, маданият, санъат, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими, методик тавсия.

Маматқосимов Жаҳонгир Абиркулович

Доцент Государственного института искусств и культуры Узбекистана

e-mail: jahongir.80@mail.ru

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОХРАНЫ НЕМАТЕРИАЛЬНОГО КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

АННОТАЦИЯ

В этой статье разъясняется понятие нематериального культурного наследия, важность и содержания документов направленные на защиту нематериального культурного наследия, также даны методические рекомендации по совершенствованию системы защиты нематериального культурного наследия учащимися.

Ключевые слова: Нематериальное культурное наследие, нормативно-правовая

база для защиты нематериального культурного наследия, конвенции, культура, искусства, среднее специальное образование, профессиональное обучение, методическая рекомендация.

Jakhongir Mamatkasimov

Assistant Professor of the State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan

e-mail: jahongir.80@mail.ru

LEGAL BASIS FOR IMPROVING THE PROTECTION OF INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE IN VOCATIONAL EDUCATION

ANNOTATION

In this article explains the concept of intangible cultural heritage, importance of the content of the documents under the protection of intangible cultural heritage, also methodological recommendations to improve the system of protection of intangible cultural heritage by students.

Key words: Intangible cultural heritage, legal documents to save the intangible cultural heritage, Convention, culture, art, specialized secondary education, vocational training, methodologic recommendations.

Ёшларнинг маънавий ва ҳуқуқий қиёфасини шакллантириш, уларга таълим беришга йўналтирилган ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган фан-техника ютуқларидан самарали фойдалана олиш ҳамда ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқимини қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ёшларга етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу муаммоларни ҳал этишда халқ оғзаки ижодиёти асарлари, байрам ва томошалар, миллий урф-одат ва ўйинлардан, мусиқа, ашула ва рақс, миллий ҳунармандчилик намуналари, умумий маънода номоддий маданий мерос (НММ)дан кенг фойдаланиш ўринлидир.

"Номоддий маданий мерос" тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради, улар эса ўз навбатида ҳамжамиятлар, гуруҳлар томонидан, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англатади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос доимо муайян ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан уларнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ва бу уларда ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантиради ҳамда шу билан инсоният ижодини ва маданий турли-туманликнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашади [2].

НММнинг ҳуқуқий асослари Конституция ва қабул қилинаётган қонунларимиз ва бир қанча меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топмоқда. Конституциямиз ва қонунларимиз маънавий ва моддий бойликларни асраб-авайлаш, уларни тараққий эттириш чора-тадбирларига қаратилган бўлиб, мазмун моҳиятида шахснинг

маънавий ва ҳуқуқий қиёфасини шакллантириш устувор йўналиш ҳисобланиб, мазкур тадқиқотнинг мақсадини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-расмда ифода этилган моддаларида фуқароларнинг НММни муҳофаза қилиш мажбурияти ва бурчлари этиб қайд этилган [1].

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА НММ МУҲОФАЗАСИ

I боб 4-моддаси: Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одаглари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади

VII боб 29-моддаси: Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин

XI боб 49-моддаси: Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир

1-расм. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва НММ муҳофазаси

НММдан таълим тизимида кенг фойдаланиш, уни тарғиб қилиш билан биргаликда, бу ўлмас меросни асраш, муҳофаза қилиш ҳам куннинг долзарб масаласи ҳисобланиб, НММни муҳофаза қилиш масалалари илк бора ЮНЕСКОнинг 1989 йилдаги "Анъанавий маданият ва фольклорни муҳофаза қилиш" бўйича Тавсияларидан бошланди ва шу тариқа 1994 йилдан миллий тизимлар (давлатлар) томонидан номоддий маданий меросни ўзида сақловчи ва бошқаларга етказувчиларнинг расман тан олишини ва улар томонидан ушбу мероснинг келгуси авлодга етказилишига кўмаклашиш мақсадида "Инсониятнинг яшовчи (тирик) дурдоналари" Дастури бошланди.

XX асрнинг сўнгги йилларига келиб НММ билан шуғулланувчилар, жумладан, соҳа экспертлари хулосасига кўра НММ муҳофазасининг ҳуқуқий асослари яратилиши бўйича кескин, қатъий чоралар кўриш лозимлиги таъкидланди ва ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 2001 йилда бўлиб ўтган 31-сессиясида янги халқаро норматив механизм вазифасини ўтовчи Конвенция яратиш режалаштирилди. Бу жараёнлар пировардида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 2003 йил 17 октябрдаги 32-сессиясида "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш" Конвенцияси қабул қилинди.

Мазкур конвенциянинг 2-моддасида "муҳофаза" тушунчаси қуйидагича изоҳланади: "Муҳофаза" сўзи номоддий маданий мерос ҳаётлигини таъминлаш,

шу билан бирга, уни идентификациялаш, ҳужжатлаштириш, тадқиқ қилиш, сақлаш, ҳимоя қилиш, оммалаштириш, ролини ошириш, тарғиб қилиш чораларини, асосан расмий ва норасмий таълим ёрдамида амалга ошириш ҳамда бундай мероснинг турли жиҳатларини қайта барпо этиш деган маънони англатади [2].

Шунингдек, НММни муҳофаза қилишни таъминлаш, ривожлантириш ва ролини ошириш борасида мазкур Конвенциянинг 13-моддасида қуйидагилар қайд этилган: а) номоддий маданий мероснинг жамиятдаги ролини ошириш ва ушбу меросни муҳофаза қилишни режалаштириш дастурига киритишга йўналтирилган умумий сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади; б) ўз ҳудудида мавжуд бўлган номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга ихтисослашган бир ёки бир нечта ваколатдор ташкилотни аниқлайди ёки ташкил этади; с) номоддий маданий меросни, хусусан, хавф остида бўлган номоддий маданий меросни самарали муҳофаза қилиш мақсадида илмий, техникавий, санъатшунослик соҳасидаги тадқиқотларга, шунингдек илмий-тадқиқот методологияларини ишлаб чиқишга яқиндан кўмаклашади; д) қуйидаги вазифаларга йўналтирилган ҳуқуқий, техникавий, маъмурий ва молиявий чораларни кўради: I) номоддий маданий меросни бошқариш соҳасида кадрлар тайёрловчи муассасаларни ташкил этиш ёки мустақамлашга кўмаклашиш, шунингдек, Ушбу меросни турли анжуманлар ва уни маконларда кенг тақдим этишга қаратилган сай-ҳаракатлар орқали таништириш ва тарғиб этиш; II) номоддий маданий мероснинг у ёки бу жиҳатларидан фойдаланиш имкониятини тартибга солиш, қабул қилинган қоидаларга қатъий риоя қилиш тамойилини амалга жорий этиш асосида номоддий маданий меросдан фойдаланиш имкониятини ошириш; III) номоддий маданий меросни ҳужжатлаштириш билан шуғулланувчи муассасаларни барпо этиш ва улардан фойдаланишни енгиллаштириш [2].

НММ муҳофазасини таълим тизимига жорий қилиш ва уни оммалаштириш юзасидан НММни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенциянинг 14-моддасида таълим, жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириб бориш ва салоҳиятни мустақамлаш мақсадида ҳар бир иштирокчи-давлат ўз ихтиёрида бўлган воситаларни қуйидагиларга йўналтириш юзасидан мазкур бандлар мавжуд: а) номоддий маданий мероснинг жамиятда кенг тан олинishi, ҳурмат қилиниши ва эътироф этилиши жараёнига, хусусан, қуйидаги воситалар орқали кўмаклашиш: I) таълим дастурлари орқали жамоатчиликнинг, хусусан, ёшларнинг номоддий маданий мерос тўғрисидаги билимларини ошириш; II) таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида тегишли ҳамжамиятларга ва гуруҳларга мўлжалланган аниқ дастурлар ишлаб чиқиш; III) номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш соҳасида, хусусан, бошқарув ва илмий-тадқиқот масалалари билан боғлиқ имкониятларни ошириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; IV) билимларни тарқатишнинг норасмий усулларидан фойдаланиш; б) номоддий маданий меросга хавф солаётган таҳдидлар, шунингдек, мазкур Конвенциянинг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб туриш; с) номоддий маданий меросни намоён этиш учун керак бўлган табиий маконлар ва тарихий жойларнинг ҳудудларини муҳофаза қилиш соҳасидаги таълимга кўмаклашиш [2].

НММни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида 2007 йил 21 ноябрда қабул қилиниб,

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланиб, 2007 йил 12 декабрь куни "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги ЎРҚ-122-сон Қонун қабул қилинди.

2007 йил 12 декабрь куни "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги ЎРҚ-122-сон Қонун асосида 2001 йил 30 август куни қабул қилинган "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиришлар киритилиб 2009 йилнинг 9 октябрида "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида" ЎРҚ-228-сонли Қонуни қабул қилинди.

Юқорида таъкидланган қонун ва ҳужжатлар асосида 2010 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур Давлат дастури ўқувчиларда НММни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги бандлар ўз ифодасини топган: Номоддий маданий меросни ўрганиш масалаларини олий таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг тегишли фанлар ўқув дастурларига киритиш, қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш; Номоддий маданий мерос, уни сақлаш ва муҳофаза қилиш тушунчаларини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган ижтимоий фанлар ҳамда ўқув дастурларига киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва жорий этиш; Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малака ошириш курслари ўқув режалари ва дастурларига номоддий маданий меросни ўрганишга бағишланган мавзуларни киритиш; Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти (ҳозирда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти) негизида номоддий маданий мерос билан боғлиқ фанлардан сабоқ берувчи ўқитувчиларнинг ихтисослик салоҳиятини ошириш. Уларга мўлжалланган малака ошириш дастурларини тайёрлаш; Номоддий маданий меросни сақловчи ва етказувчиларни ўқув дастурларини такомиллаштириш ишларига ва бевосита ўқув жараёнига жалб этиш, уларга шарт-шароитлар яратиш; Номоддий маданий меросни ўрганишга қизиқувчи талаба ва ўқувчилар учун ёзги ўқув курслари, очик эшиклар куни каби тадбирларни ташкил этиш; Ёшларни номоддий маданий мерос бўйича материаллар тўплаш ва тарғибот ишларига жалб этиш; Номоддий маданий мерос тарғиботи билан боғлиқ фото ва видео танловлар ташкил этиш; Нодавлат ташкилотлар ва муассасаларга мўлжалланган, номоддий маданий меросдан тадбиркорликда фойдаланишга оид дастурлар ишлаб чиқиш; Олий таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида "Хазина", "Мерос", "Барҳаёт анъаналар" кўрик-танловларини ўтказиш; Мусиқа, маданият ва санъат таълими йўналишларида ўқиётган талабаларнинг номоддий маданий мерос борасидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва ушбу йўналишдаги энг яхши тадқиқотлар танловларини эълон қилиш, ғолибларни рағбатлантириш. Энг сара ишларни илмий тўплам шаклида чоп этиш; Номоддий маданий мерос билан шуғулланувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш; Умумтаълим мактабларидаги Мусиқа фани дарсликларини номоддий маданий меросга оид маълумотлар билан бойитиш орқали такомиллаштириш [3].

Шунингдек, мустақиллик йилларида НММ тиклаш, тараққий эттириш ва муҳофаза қилиш юзасидан ҳукуратимиз томонидан бир қанча қарор, фармойиш, фармон ва дастурлар қабул қилинган бўлиб, бу жараёнлар НММ барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тадқиқот доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ДТС, ўқув режалари, фан дастурлари ва ўқув адабиётлари таҳлил этилди. Таҳлил натижасига кўра ўқувчиларда НММни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, таълим тизимига номоддий маданий меросни ўрганиш масалаларига тегишли фанларни жорий этиш.

Иккинчидан, фан дастурлари ва ўқув адабиётидаги мавжуд мавзулар мазмунини НММ муҳофазаси билан бойитиш.

Учинчидан, НММ муҳофазаси юзасидан ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш, аудио ва видео материаллар тўплаш, электрон дарсликлар ва мультимедиялар, тақдимотлар тайёрлаш.

Тўртинчидан, дарс ва дарсдан ташқари таълимни НММни муҳофаза қилиш билан боғланган ҳолда олиб бориш.

Бешинчидан, педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнига НММни муҳофаза қилишга оид мавзулар ва ўқув соатларини киритиш.

Ўқувчиларда НММни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари юқорида қайд этилган ҳужжатларда ўз аксини топган бўлиб, қабул қилинган қарор ва фармонлар НММ мерос муҳофазаси ва унинг истиқболини кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 40 б.
2. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенция. - Париж. 2003 йил 17 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш" Давлат дастури. - Тошкент: 2010.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Дилшод Мамажонов

доцент Государственного института искусств и культуры Узбекистана,
доктор философских наук (PhD) в области исторических наук.

Буриной Кадиров

доцент Государственного института искусств и культуры Узбекистана,
кандидат исторических наук

ТЕНДЕНЦИИ СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА В 1950-1980 ГОДЫ И ИХ ПОСЛЕДСТВИЯ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-2-5>

АННОТАЦИЯ

В статье, на базе разнообразных источников анализируются основные проблемные аспекты социально-культурного и духовного развития Узбекистана в 1950-1980 годы. Осуществлен кооперативно-ретроспективный анализ противоречивых аспектов развития узбекского и русского языка, в условиях расцвета и упадка советской власти.

Ключевые слова: история, история культуры, социокультурный положение, культурный развитие.

Дилшод Мамажонов

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

Бўриной Қодиров

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти,
тарих фанлари номзоди

1950-1980 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ- МАДАНИЙ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада турли манбалар асосида 1950-1980 йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-маданий ривожланишининг асосий муаммоли жиҳатлари таҳлил қилинган. Совет ҳокимиятининг қулаши ва мазкур шароитида ўзбек-рус тилининг

ривожланишидаги ретроспектив жараён таҳлил этилган.

Калит сўзлар: тарих, маданият тарихи, ижтимоий-маданий ҳолат, маданий тараққиёт.

Dilshod Mamazhonov

doctor of Philosophy (PhD) in the field of historical sciences,
assistant professor of Uzbekistan State institute of arts and culture,

Burivay Kodirov

assistant professor of Uzbekistan State institute of arts and culture
candidate of historical sciences

TRENDS OF WELFARE DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN IN 1950-1980 AND THEIR CONSEQUENCES

ANNOTATION

In article, on the basis of various sources the main problem aspects of welfare and spiritual development of Uzbekistan in 1950-1980 are analyzed. The cooperative and retrospective analysis of contradictory aspects of development Uzbek and Russian, in the conditions of blossoming and decline of the Soviet power is carried out.

Keywords: history, cultural history, sociocultural situation, cultural development.

Вторая половина XX века занимает особое место в социально-политической и культурно-духовной истории Узбекистана. Она характеризуется тем что бывший советский строй с его плано-директивной экономикой, с одной стороны, достиг своего апогея и централизации государственной власти, а с другой - особенно в 80 годы, углубился общественно-политический и экономический кризис.

Узбекистан превратился в относительно развитую аграрно-индустриальную республику в 80-е годы XX столетия, с полным решением вопроса о грамотности, гендерным равноправием и т.д. Однако политика центра, направленная на превращение Узбекистана в источник сырья и район интенсивного хлопководства, привела к застойным явлениям в сфере экономики. Однобокое развитие экономики, идеологический и административный диктат также отразился в социо-культурном развитии республики.

В эпоху т.н. "застоя" либерализация государственной культурной политики постепенно, стала ослабевать, а представители научной и творческой интеллигенции вновь начали подвергаться преследованиям и гонениям. К середине 1980-х годов административно-командная система была не в состоянии отвечать реалиям современной эпохи. Стала ощущаться настоятельная необходимость обновления всех аспектов жизни общества, его экономических основ, политического устройства, социальной и духовной сферы [2, 240-250].

В кризисе социально-политической и духовно-нравственной системы, формировавшейся на протяжении нескольких десятилетий, немаловажную роль сыграла порочная национальная политика в рамках СССР, проводившаяся Центром по отношению к республикам в 80 годы XX столетия. Небезызвестно,

что данная политика была заложена в самой идее советизации национальных окраин, в том числе и Узбекистана, тотальной интернационализации всей социально-экономической, общественно-политической и культурно-духовной жизни, принудительного навязывания восточным нациям и народностям европейского мышления и быта, ценностей и отношений.

Можно привести достаточно много сравнительно аналитических данных, которые при сопоставлении свидетельствовали бы, с одной стороны, о манипулировании статистическими материалами и несоответствии их исторической действительности, а с другой - о намеренной и целенаправленной политике тоталитарного режима по введению в заблуждение общественного мнения.

При монополизме центрального управления саморазвитие осуществлялось путем жесткого регулирования в строго определенное русло с ограничительными и усеченными правами и функциями. Как в свое время особо отмечали отечественные специалисты, "при такой ситуации каждая нация или народность была обречена на положение вассала, закрепощенного правовыми нормами, политическими стереотипами, нравственными догматами. Что касается внутри национальных закономерностей и тенденций саморазвития, то они, по сути дела, загонялись вглубь, а возникающие и выплескиваемые на поверхность общественной жизни острые и болезненные противоречия между интернациональным и национальным тщательно маскировались и представлялись общественному мнению как вечно нетипичное и несущественное, как издержки и последствия феодально-патриархальных отношений, что не расцвет нации, а постепенное их угасание и исчезновение как самобытных и неповторимых общностей, выхолащивание подлинного национального духа определяли их перспективу и будущность" [2, 92].

Так, если в 1930-е годы русскому языку за десять лет обучения отводилось в общей совокупности 400-500 часов, то в 1980-е годы в национальной школе за десятилетний период обучения уже планировалось, согласно программе, 1600-1850 часов, что составляло в среднем от 14 до 17 процентов бюджета учебного времени в средней школе [2, 95-96]. В целом, в Узбекистане, начиная с 1-го класса и кончая институтом, для детей коренной национальности отводилось для изучения русского языка и литературы 3670 часов, тогда как родному языку - лишь 1675 часов [1, 99-100]. Такое положение имело место и в других учебных образовательных и профессиональных учреждениях и заведениях. Например, в 1991 г. в вузах республики из общего числа студентов 39,5% занимались по всем предметам на узбекском, а 47,7% - на русском языке, хотя в студенческой среде доля узбеков достигала 63,5%, а русских - 15,8% [8, 43].

26 мая 1983 г. Центральным Комитетом КПСС и Советом Министров СССР было принято совместное постановление №473 "О дополнительных мерах по улучшению изучения русского языка в общеобразовательных школах и других учебных заведениях союзных республик" [6], в котором говорилось о росте значения русского языка, "добровольно" принятого советскими людьми в качестве средства, межнационального общения [6]. Данное постановление обязывало уже на республиканском уровне осуществить дополнительные меры по повышению эффективности изучения русского языка в учебных заведениях с нерусским языком обучения.

В том числе данное постановление как "руководство к исполнению" отразилось

и в деятельности печатных организаций республики, согласно которому было принято решение коллегии Государственного комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли от 12 августа 1983 г., где в одном из пунктов отмечалось: "...Обеспечить неуклонное увеличение выпуска художественных иллюстрированных книг для детей дошкольного и младшего школьного возраста на русском языке в серии "Я учу русский язык", практиковать издание книг для этой категории читателей с параллельными текстами на русском и национальных языках" [8, 43].

В связи с насаждением так называемой советской культуры и ростом "популярности" русского языка постепенно сокращалось число научных трудов, издаваемых на узбекском языке. Если в 1960 г. на узбекском языке было издано 1060 названий книг, то 1987 г. их число снизилось до 936 названий. В 1980 г. в республике издавалось 83 журнала, 48 из них - на русском языке. В 1985 г. более 80% научных трудов было издано на русском языке, 16% - на иностранных и только 4% - на узбекском. В библиотеках и книжных магазинах также было мало художественной литературы на узбекском языке [2, 241].

Между тем, за период 1980-1989 г. численность узбеков увеличилась на 3,6 млн. чел., тогда как число проживающих в республике русских оставалось в пределах 1,6 млн. чел. По нашим подсчетам, здесь складывалась парадоксальная ситуация, когда на одного представителя русской национальности число изданий на русском языке выросло с 7 до 12 экземпляров, в то время как на узбекском языке этот показатель увеличился только с 2,1 до 2,4 изданий на одного жителя коренной национальности [3, 237-238]. Из общего числа научных изданий, например, Институтом истории АН республики за 1981-1987 гг. доля публикаций на узбекском языке составляла лишь 8% [1, 65].

Знание русского языка выступало своеобразным критерием профессиональной зрелости и подготовленности национальных кадров, уровня развитости и цивилизованности нации, ее социальной и интеллектуальной дееспособности, тогда как узбекскому языку придавалась роль средства общения на бытовом уровне, а сфера его употребления и использования не распространялась далее обыденных межличностных отношений.

Политика в области формирования исторического сознания использовалась для атрофирования в памяти народа тысячелетнего периода пути своего развития. Например, в советское время в учебных программах для общеобразовательных школ с 5 - по 10-е классы на изучение истории СССР отводилось 374 ч., всеобщей истории - 612 ч., тогда как на изучение истории Узбекской ССР - всего лишь 50 ч. из общего количества часов по истории СССР. Причем, распределялись они следующим образом: 7-й класс - 8 ч., 8-й класс - 3 ч., 9-й класс - 7 ч., 10-й класс - 6 ч. Остальные 16 ч. были запланированы в учебных программах как факультативные [4, 99].

Разрушению подвергались многие объекты истории: согласно подсчетам специалистов в начале XX века количество памятников зодчества превышало 40 тыс., из которых ныне сохранилось лишь около 10 тыс. [5, 45]. До октября в Самарканде имелось 150 мечетей и медресе, в Ташкенте - 300, Бухаре - 430, Андижане - 387 и т.д., которые были не только очагами ислама, но и истории культуры народа. Многие из них в годы советской власти подверглись уничтожению. В 1989 г., например, в Наманганской области действовало лишь 3, в Ферганской

- 4, а в Кашкадарьинской, Сурхандарьинской, Сырдарьинской и Хорезмской областях и того меньше мечетей.

В целом национальная политика советского руководства на протяжении длительного исторического периода была направлена на достижение социальной однородности ради формирования в многонациональном государстве единой общности - советского народа. Прежде всего, это делалось путём принудительного отказа наций и народностей от самобытности мышления, этнической психологии и самосознания, т. е. от существующих в реальности и реализуемых ими в образе жизни традиций и обычаев, активного внедрения в их среду и систему отношений непривычных и не всегда приемлемых для этнического миропонимания новых форм, например, советского типа или имеющих под собою чисто русскую основу [4, 102].

Противоречивость социо-культурного развития в тесной связи с позитивными переменами обозначили некоторые изменения и в духовной жизни советского общества. В частности, произошел количественный скачок в развитии культурной сети, в массах усилилось стремление к усвоению духовных ценностей, повысился общеобразовательный уровень населения. Так, в 1950 г. в школах была внедрена семилетняя, а в 1958 г. - восьмилетняя общая обязательная система образования, в 1970 г. - общее цолное среднее образование (10 классов). В 1980 г. в Узбекистане функционировало 9445 средних школ, 222 средних специальных учебных заведения и 43 вуза. В них работало 36228 научных работников (из них более 1/3- доктора и кандидаты наук) [7]. Необходимо особо отметить тот факт, что русская интеллигенция, русская школа сыграли несомненно важную роль в становлении народного образования в Узбекистане. Но игнорирование этнической спецификой в образовательном процессе и унификация его, конечно, отрицательно сказались на нем.

Показательно и то, что в то время в республике более одного миллиона человек трудились в сферах умственного труда (инженерно-технический персонал, врачи, средний медперсонал, преподаватели средних, средних специальных и высших школ, управление среднего и высшего звена, работники партийных органов и органов исполнительной власти). Учащиеся школ и студенты составляли 4,5-5 миллионов человек [7].

Политика гласности предусматривала "смягчение" цензуры над СМИ (под надзором сверху), публикацию ряда ранее запрещенных книг, документов. В определенной степени было ограничено насилие цензуры в отношении издательского дела, производства фильмов, театральных представлений, были продемонстрированы ранее снятые, но запрещенные к показу (поставленные "на полку") фильмы. С развитием гласности общество обрело большую форму свободы слова. В итоге, несмотря на все усилия, предпринятые партаппаратом, с её предотвращением не удалось справиться. Многие публикации, книги, кино- и документальные фильмы на ранее запрещенные темы (например, о сталинизме и репрессиях), связанные с восстановлением исторической правды, способствовали переосмыслению истории и современности, отказу от исторических и социальных стереотипов, поиску новых ориентиров и перспектив развития страны. К сожалению, "перестройка" носила половинчатый характер. В результате застойные явления продолжали иметь место в экономической, литературной и духовно-просветительской сферах. В Узбекистане дело осложнялось надуманной

компанией "Борьба с хлопковой мафией", сопровождаемой засылкой из Центра так называемых "десантов честности", огульным обвинением узбекского народа в массовой коррупции и приписок в хлопковом производстве. При этом ни И.Б. Усмонходжаев, ни Р.Н.Нишанов, стоявшие во главе республики, исходя из карьерных интересов, не стремились отстоять честь и достоинство узбекского народа [2, 251-252].

С приходом к руководству Узбекистана Ислама Абдуганиевича Каримова ситуация стала меняться. Так, став первым Президентом Узбекистана И.А.Каримов, предпринял энергичные усилия не только по стабилизации социально-экономической и культурно-духовной обстановки в республике, но и активизации издательского дела, предоставлению свободы слова, поддержке национальной интеллигенции.

Таким образом, ретроспективный анализ социо-культурного развития Узбекистана в с середины до 90-х годов XX столетия, выявил довольно сложную культурно-духовную картину, обусловленную: историческим наследием, дуальным характером социальных и духовных процессов, односторонней направленности ее модернизации, преобладанием в ней идеологического фактора. Основная проблема заключалась в несоответствии всё нарастающей потребности национальной составляющей и интернационализацией культурно-духовной сферы, плюс несбалансированным развитием социальной инфраструктуры. Осуществленная союзным руководством культурная и национальная политика, накладываемая на тяжелейшее социально-экономическое положение населения республики, обусловила дестабилизацию социально-политической и межнациональной обстановки к концу 1980-х годов.

Использованная литература:

1. Атамуратов С. Национальное самосознание и интернациональное воспитание. - Ташкент, 1991.
2. История Узбекистана (1917-1991). Ташкент, 2002.
3. Народное хозяйство СССР в 1990 г. М., 1991.
4. Правовое государство - независимость, нация, экономика... Ташкент, 2002.
5. Рахматуллаев Ш.М., Абриев Р.Б. Ўзбекистонда тарихий-меъморий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш соҳасининг ривожланиши: асосий йўналишлар ва натижалар // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. Т., 2012. № 4.
6. ЦГА РУз, ф. 2536, оп.1, ед. хр. 3266, л. 10.
7. ЦГА РУз, ф. 2653, оп. №1, ед. хр. 4921, л. 153.
8. Шермухамедов С.Ш. На языке единства. Ташкент, 1991.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Давлатов Ойбек Ганиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
"Педагогика ва психология" кафедраси доценти
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНИАТЮРА САНЪАТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ-ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-2-6>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бизгача етиб келган тарихий мерослари, улар томонидан санъат ва маданият соҳаларига берилган эътибор ҳамда санъат турларидан бири бўлган миниатюра санъатининг тарихий шаклланиши ва мазкур санъатнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни борасида мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: тарих, Шарқ алломалари, маданият, санъат, миниатюра, ёшлар.

Давлатов Ойбек Ганиевич

Доктор философских наук в области педагогических наук
доцент кафедры Педагогике и психологии Государственного института
искусств и культуры Узбекистан

ИСТОРИКО-СОЦИАЛЬНЫЕ ФОРМИРОВАНИЕ ИСКУССТВ МИНИАТЮРЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматривается историческое наследие ученых и мыслителей средневековья, их значение для искусства и культуры, а также историческое формирование миниатюрного искусства, одного из видов искусства и роли искусства в воспитании молодежи.

Ключевые слова: история, восточные ученые, культура, искусство, миниатюра, подростки.

Davlatov Oybek Ganievich

Doctor of Philosophy (PhD) in the field of pedagogical sciences
Associate professor of the Department of Pedagogy and Psychology of the
Uzbek State Institute of Arts and Culture

HISTORICAL AND SOCIAL FORMATION OF ARTS MINIATURE OF CENTRAL ASIA

ANNOTATION

Historical heritage of medieval scientists and thinkers of middle ages, their value for an art and culture, and also historical forming of miniature art, is examined in this article, one of types of art and role of art in education of young people.

Key words: history, oriental scientists, culture, art, miniature, teenagers.

Миниатюра - у ёки бу халқнинг турмуш тарзи маданият ва санъатининг мазмун, шакл ва моҳиятининг белгиловчи омилларидан биридир. У қанчалик қадимий бўлса, шу миллатнинг маданияти ва санъати ҳам шу қадар шаклан хилма хил, мазмунан бой бўлади. Ўзбек халқининг минг йиллар қаъридаги тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил қилади.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар тизимида буюк алломаларимизнинг илмий меросини, шунингдек, маданият ва санъат тарихини, унинг хусусиятларини тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш илм-фанимизнинг долзарб муаммоларидан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда. Шу маънода миллатнинг ўтмишидаги ибратли намуналарни ўрганиш алоҳида эътиборни талаб этади.

Маданият ва санъат ҳам эстетик феномен сифатида бундан мустасно эмас. Зеро, маданият ва санъат замирида ўзига хос эстетик жиҳатлар, жумладан, борлиқни гўзаллик қонуниятларини ўзига хос тасвирий воситалар билан акс эттирувчи ижодиётнинг муайян хусусиятлари мавжуд. Бу мавжудлик омили Шарқ мамлакатларининг муштарак санъат тури - миниатюра санъатида ҳам ўз ифодасини топган. Зеро, Шарқ миниатюра санъатида нафақат замон руҳи, давр инсонларининг фалсафий қарашлари, ҳаёт тарзи, орзу истаклари, балки миллий-тарихий санъат соҳаси сифатида эътироф этиш мумкин. Уларда бадиий образ, бадиий-эстетик метод ва усулларнинг тасвирий талқинининг мумтоз намунасини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам бу хусусиятларни фалсафа ва санъатшуносликнинг синтези асосида комплекс тадқиқ этиш лозим.

Республикамиз олимлари томонидан тарих ва археология (Л.И.Ремпель, Г.А.Пугаченкова, А.Мадраимов, М.Ҳасаний, Н.Норқулов), санъатшунослик (Г.А.Пугаченкова, Э.Исмоилов, З.Раҳимова, Н.Аҳмедова, Э.Гуль, К.Оқилова), адабиётшунослик (Ҳ.Сулаймонов, Ф.Сулаймонова), фалсафа ҳамда санъатшунослик (Т.Маҳмудов, Н.Ойдинов, Н.Абдуллаев) нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Аслида бу тадқиқотларга муайян даражадаги фалсафий таълимот методологик асос бўлганлигига шубҳа йўқ. Айнан шу жиҳат Шарқ миниатюра санъатини фалсафий-эстетик нуқтаи назардан кўриб чиқиш учун ўзига хос йўлланма вазифасини ўтайди. Қолаверса, бу омил масалани комплекс тадқиқ

этиш учун қулай шароит яратади.

Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, бир қатор фалсафий масалалар, хусусан эстетик фикр, эстетик маданиятнинг юзага келиши ва ривожланишини комплекс ўрганишда нафақат файласуфлар, маданият тарихи бўйича мутахассислар, балки археологлар, тарихчилар, санъатшунослар, филологларнинг ҳамкорликдаги фаолияти талаб этилади. Шу жиҳатдан ҳам Шарқ миниатюра санъати бир қатор фан соҳалари учун муайян даражада қизиқиш уйғотиши билан муҳим манба сифатида эътиборга лойиқдир.

Ўрта асрларда Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёда ўзига хос эстетик гоёлар вужудга келди. Низомий, Саъдий, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий, Беҳзод каби санъаткорлар ижодида гўзаллик ва эзуликнинг уйғунлигини тараннум этувчи тасаввурлар таркиб топди.

Санъат тарихи ўзининг турли-туманлиги, гўзаллиги, нафислиги, бетакрорлиги билан дунё аҳлини қизиқтириб келган. Бу санъатнинг илдизлари ибтидоий даврларга бориб тақалади. Қадимда аجدодларимиз ўзларининг гўзалликка бўлган интилишларини, ҳис-туйғуларини турли шаклларда акс эттириб, маданий мерос сифатида қолдирганлар.

Африкадан топилган орнаментлар, қадимги Мисрдаги папирусларга ёзиб қолдирилган турли ёзувлар ва нақшлар, Ўзбекистон ҳудудидаги, хусусан, Сурхондарё вилоятида жойлашган Зараутсойдаги қояларга чизилган тасвирлар, Бухоро вилоятидаги Варахша, Самарқанд яқинидаги Афросиёб вайроналаридан топилган осори-атиқалар, деворий суратлар бунинг гувоҳидир.

Марказий Осиёда миниатюра санъатининг шаклланиши ва ривожланиши тарихий-ижтимоий шароитлар билан ҳамоҳанг тарзда кечган, яъни уларнинг асосий қисми тарихий солномаларнинг тасвирий варианты сифатида яратилган. Шарофиддин али Яздийнинг "Зафарнома" асарига ишланган миниатюралар мазкур фикрнинг исботидир.

Марказий Осиё миниатюрасининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини ўрганишнинг муайян мураккабликлари мавжуд. Турк тадқиқотчиси Э.Эсин ҳар икки миниатюрада "перспективанинг самараси"ни аниқлаган, уларнинг прототипларини эса Шарқий Туркистондаги буддизм мотивлари асосида ипакка ишланган расмларда кўради. Бироқ олим томонидан таққослаш учун келтирилган мисолларда кийимларнинг жимжимадор бурмаларини кўрсатиш орқали яратилган ҳажмдор ва яққол тасвирларни кўрамиз. Шу билан бирга ҳар икки миниатюра яссиликда тасвирланган, макон тасвирлари эса ҳеч бир перспективасиз берилган. Бунда саҳналар устма-уст вертикал ҳолда жойлаштирилган. Мазкур усул исломгача бўлган даврда Ўрта Осиё деворий рангтасвирида (Панжикент, Афросиёб нақшларида) юзага келган ҳамда Узоқ Шарқ рангтасвир принципларида кескин фарқ қилган. Бу тарихий маълумотлар миниатюра санъати тарихи ва унинг эстетик хусусиятларини тадқиқ этишнинг муҳим жиҳатлари саналади.

Миниатюра санъати Ўрта Шарқ мамлакатлари бадиий меросининг ажойиб саҳифаларидан бирини ташкил этади. Айни пайтда бу бадиий-маданий мерос ўз нуфузига кўра умуминсоний маданият, бадиий қадрият даражасида юксак эъзозланади. Зеро, у том маънода бадиий-эстетик жиҳатдан юксак савиядаги санъатдир.

XIV-XV асрлар Ўрта Осиё миниатюра рангтасвири масаласи баҳсли масалалар қаторига киради. Ўрта Осиё (ёки айрим манбаларда кўрсатилишича,

Мовароуннаҳр) миниатюра мактабининг XVI-XVII асрларда ҳам мавжуд бўлганлиги кўп сонли тадқиқотларда исботланган бўлишига қарамай, ундан аввалги давр ҳақида бундай деб бўлмайди, чунки миниатюра Самарқандда ёки Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳрида, Фарғонада, Мўғулистонда ишланганлигидан далолат берувчи қўлёзма нусхалар мавжуд эмас.

Қадимий миниатюраларнинг жаҳоншумул аҳамияти яна шуниси билан муҳимки, уларнинг аксарият қисми Шарқ мумтоз адабиётларининг сюжетлари асосига қурилган, яъни тасвирий композициялар айни уларнинг мазмунидан келиб чиқади. Масалан, тожикистонлик олима Л.Н.Додхудоева миниатюра санъати тарихига оид тадқиқотларида собиқ иттифоқ ва хорижий коллекцияларда сақланаётган Низомий Ганжавийнинг асарларига 338 та мавзу бўйича 3360 та миниатюра асарлар ишланганлигини таъкидлайди.

Миниатюра санъатининг энг тараққий этган вақти ислом дини кенг тарқалган Ўрта асрлар билан боғлиқдир. Ўша давр адабиёти сингари миниатюра асарлари, улар билан безатилган китобат санъати ҳам ўқувчи учун ўзига хос "ақлни сайқаллаш" мактаби вазифасини ўтайди. Шу даврга келиб, у дунёни диний-рамзий мафкура ва эстетик вазифалар нуқтаи назари орқали акс эттирди.

Миниатюрочи мусаввирларнинг бу қадар иззат икром топишларида фақатгина уларнинг уста мусаввирликларигина эмас, балки яратган асарлари мазмун ва моҳият, шакл ва бадиий тасвирий услублари, композицион изланишларида кенг маъноли сюжетларни акс эттирилганлиги, уларга муайян фалсафий эстетик тафаккур элементларини юксак маҳорат билан татбиқ этганликлари асосий омиллардан бири бўлган.

Миниатюрадаги жарангдор ва ранго-ранг бўёқлар жилваси худди ранглар тўкилгандек таассурот қолдиради, аслида улар асосли бир-бирига зид ҳолатда берилишга асосланган. Таъкидлаб ўтганимиздек, миниатюраларда илмий, тарихий ва адабий манбаларда ифода этилган мазмуннинг тасвирий талқини воситасида фалсафий эстетик жиҳатларни бирмунча бўрттириб кўрсатилиши унинг ижодкорига нисбатан муносабатни белгиловчи омиллардан бири бўлган.

"Миниатюра" сўзи XIX аср бошларигача йўқ эди. Бу сўз китобга чизилган сурат (мўъжаз сурат)ларга нисбатан айтилган. Унга қадар миниатюра принциплари асосида деворий ишлар ҳам бажарилган. Масалан, Панжикент, Варахша, Афросиёб деворий фрескаларида миниатюра анъаналарига амал қилинган ҳолда ўша давр воқеалари акс эттирилган.

Файласуф ва санъатшунос Н.Ойдинов педагог олим А.Сулаймоновнинг фикрларига асосланган ҳолда миниатюра тушунчасини қуйидагича тавсифлайди:

"миниатюра" сўзи тўрт хил маънони англатади. Улардан учтасини ва умумлаштирувчи луғавий маъносини бевосита миниатюра санъатига тааллуқли деб қараш мумкин. Яъни: умумий маъноси қадимдан қўлёзма китобларнинг бош ҳарфларини ранглаш, нақшлаш учун ишлатиладиган қизил бўёқ (киноварь);

Ўрта асрларда яратилган қўлёзма китобларига ишланган кичик лавҳа ёки китобнинг бутун бетига ишланган иллюстрация шаклидаги кичик ўлчамдаги мўъжаз рангли тасвир (рангтасвир);

кичик ўлчамдаги рангтасвир асари ҳар хил материалга (суякка, металга, матога) нозик, нафис қилиб ишланган иш (асар). Демак, "миниатюра" иборасини қўлёзма китобининг таркибий бадиий-график қисми бўлмиш барча элементлари, хоҳ у кичик лавҳа бўлсин, хоҳ бутун бетни, айрим ҳолда икки қўшни бетни

эгаллаган иллюстрация, нақшинкор тасвирларга нисбатан қўлланган ибора деб қараш мумкин.

XX асрнинг 70 йилларида республика министрлар советининг қарорига биноан қадимий Шарқ миниатюра санъатининг анъаналарини тиклаш ва бойитиш йўналишида тарихий аҳамият касб этувчи давр бошланди, яъни 1978 йилда "Усто" Республика махсус ижодий ишлаб чиқариш уюшмасининг тузилиши маълум маънода Марказий Осиёда миниатюра санъатининг айнан Ўзбекистонда юксак тараққий этишига замин яратди.

Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров раҳбарлигида мазкур уюшмада Ниёзали Холматов, Файрат Камолов, Шомахмуд Муҳаммаджонов, Абдубосит Қамбаров, Абдуғани Алдашев, Наталья Цой, Мунира Сотиболдиевалар Ўзбекистонда локли миниатюра санъатининг ривожланишида муҳим роль ўйнадилар. Шунингдек, мустақиллик йилларида "Мусаввир", "Хунарманд" ижодий уюшмаларининг фаолияти ҳам замонавий миниатюра санъатини ривожланишида етакчи ўринларни эгаллади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов фармонига биноан Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этилиши ва унинг асосий вазифалари сифатида жаҳоний шуҳрат қозонган нафис санъат мактабларининг ноёб анъаналарини ўрганиш, миллий тасвирий, амалий, миниатюра санъатимизнинг нодир дурдоналарини тарғиб қилиш, бу борадаги академик илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш белгилаб қўйилган эди.

Ўзбекистонда миниатюра санъатининг ривожланиши ҳам амалий (миниатюрочи рассомларнинг ижоди мисолида), ҳам тарихий-назарий йўналишларда (миниатюра санъатининг тарихи ва назарияси, ривожланишининг замонавий тенденцияларига оид махсус тадқиқотлар мисолида) изчил давом эттирилмоқда. Шунингдек, миниатюра санъатининг замонавий ҳолати ҳамда ривожланиш истиқболлари юқори малакали мусаввирлар тайёрлаш, ҳукумат миқёсида ўтказиб келинаётган танловлар ва бошқа ташкилий-ижодий ишлар билан таъминлаб борилмоқда.

Марказий Осиё миниатюра санъатининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларининг барча даврлари учун хос бўлган жиҳат бу мусаввирларнинг асарларда, айниқса, персонажлар образларида муайян фалсафий-эстетик "юк"ни турли воситаларда тасвирлашга интилишларида намоён бўлди. Айнан шу омил замонавий миниатюра санъатини қадимий миниатюра санъатининг нафақат композицион жиҳатларини, балки инсон тафаккури, унинг эстетик идеаллари, фалсафий мушоҳадаларини тасвирлаш принципларини бойитиб борганлиги ҳақидаги концепцияни илгари суриш имконини беради.

Эндиликда миниатюра санъати асарларида устувор тарзда тасвирланиб келинаётган жиҳатлар, жумладан асарларнинг фалсафий-эстетик жиҳатларини тадқиқ этиш янги сифат босқичига кўтарилиши лозим. Санъатшунос ва файласуф Тилаб Маҳмудовнинг таъбири билан айтганда, "миниатюра санъатини ўрганиш ва илмий тартибга солиш шу даражага етдики, энди бундай нозик ва буюк санъат намунасини чуқур ва теран тадқиқ этиш зарур".

Шарқ миниатюра санъатининг ривожидида темурийлар даврида фаолият кўрсатган ҳамда Амир Темурнинг набираси асос солган "Нигористон" (нафис санъат академияси) мактабининг ўрни беқиёс бўлган. Ҳиротда ташкил этилган мазкур академияда Ғиёсиддин Ҳеравий, Амршоҳий Сабзаворий, Мирак Наққош, Ҳалил Мирзо Шоҳруҳий, Султон Иброҳим, Султонали Машҳадий, Мавлоно Жаъфар

Турбатий, кейинчалик шу муҳитда машҳур мусаввир бўлиб етишган Камолиддин Беҳзодлар миниатюра санъатининг ривожига катта ҳисса қўшганлар. Айниқса, Камолиддин Беҳзод миниатюра санъатининг мустақил композициялар, замондошларининг портретларини ишлаш орқали мустақил санъат тури сифатида эътироф этилишига асос солди. Машҳур "Султон Ҳусайн Бойқаро портрети" Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Муҳаммад Шайбонийхон портретлари шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев М. Эстетическая культура: теоретическо-методологический аспект. - Т.: Фан, 1991. - 91 с.
2. Адамова А., Грек Т. Миниатюры кашмирских рукописей. - М.: Искусство, 1976. - 240 с. с илл.
3. Адамова А., Гюзальян Л. Миниатюры рукописи "Шахнаме" 1333 года. - Ленинград: Искусство, 1985. - 167 с. с илл.
4. Адамян А.А. Вопросы эстетики и теории искусства. - М.: Искусство, 1980. - 301 с.
5. Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. - Т.: Шарқ, 1993. - 288 с.
6. Хакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность. - Т.: Изд-во журнала "San'at", 2010. - 504 с.
7. Художественная культура Средней Азии. IX-XIII века / под научной редакцией Л.И.Ремпеля. - Т.: изд. лит. и искусства, 1983. - 208 с.
8. Чингиз Аҳмаров. Ўзбекистон санъат усталари. - Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. - 124 б.
9. Шарқ миниатюраси / Тузувчилар ИсмаиловаЭ., Полякова Е. - Т.: Фофур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
10. Ўзбекистон санъати (1991 - 2001 йиллар) / Таҳрир ҳайъати Ҳ.Караматов ва бошқ.. - Т.: Шарқ, 2001. - 240 б.
11. Сулаймонова З. Миниатюра санъати ривожланишининг фалсафий-эстетик талқини. - Т.: "Фалсафа ва ҳуқуқ" журнали. - 2010 № 2. - Б. 48 49.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Аҳмедова Ойгул Махамдалиевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори в.б.
филология фанлари номзоди

ХАЛҚ ТАҚВИМИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИДА МИФОЛОГИК ҚАРАШЛАР



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-2-7>

АННОТАЦИЯ

Мақолада фольклоршунос олимларимизнинг номоддий маданий мероснинг табиат ва коинотга оид билим, урф-одатларга билвосита ва бевосита тааллуқли илмий изланишлари назарий жиҳатдан ўрганилган.

Калит сўзлар: номоддий маданий мерос, фольклор, урф-одат, эътиқод, табиат, коинот.

Ахмедова Ойгуль Махамдалиевна

и.о. профессора Государственного института искусств и культуры
Узбекистана, кандидат филологических наук

МИФОЛОГИЧЕСКИЕ СООБРАЖЕНИЯ В ИСТОРИИ ВОЗНИКНОВЕНИЯ НАРОДНОГО КАЛЕНДАРЯ

АННОТАЦИЯ

В статье теоретически рассматриваются изыскания ученых фольклороведов относящиеся природе и вселенной нематериального культурного наследия и научные изыскания непосредственно и опосредственно связанные с обычаями народа.

Ключевые слова. нематериального культурного наследия, фольклор, обычай и привычки, вера, природа, вселения.

Akhmedova Oygul Makhamadaliyeva

Acting professor of Uzbekistan State Institute of arts and culture,
candidate of philological sciences

MYTHOLOGICAL CONSIDERATIONS IN THE HISTORY OF THE ORIGIN OF THE PEOPLE'S CALENDAR

ANNOTATION

The article deals with theoretical analyses of folklore learning scientists scientific searches on knowledge and traditions belonging to the nature and universe of intangible cultural heritage.

Key words: intangible cultural heritage, folklore, tradition, belief, nature, universe, calendar.

Халқнинг табиат ва коинотга оид билим ва кўникмалари аксарият ҳолларда жонли тил орқали - оғзаки йўсинда авлодлар оша яшаб келган.

Жаҳондаги барча мавсумий маросимлар, - маҳаллий хусусиятга эга бўладими, халқаро миқёс касб этадими, - аввало, йил фассларини, ҳафталарини аниқловчи, уларнинг хусусиятларини белгилаб берувчи вақт ҳисоби - тақвимларга асосланади.

"Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар" (1994) китоби муаллифи - филология фанлари доктори, профессор М.Жўраев қадимги аждоқларимизнинг анъанавий вақт ҳисоби - халқ тақвими ҳаётий ҳодисаларга - қуёш ва ой ҳаракати, юлдузлар ҳолатига мувофиқ равишда яратилганлигини баён этган.

Олим эслатиб ўтадики: аждоқларимиз само жисмларининг вақтнинг маълум бир даврлари - ойда, ҳафтада, ҳатто маълум бир кунда ердаги ҳаётга ўзига хос таъсир кўрсатишини обдон англаганлар, фасллар, чилла, ой, ҳафталарда табиатда кечадиган ўзгаришлар, ўсимликлар ва жониворлар ҳолатига таъсиридаги барқарор такрорланишларни - қонуниятларни уққанлар. Одамларнинг салоҳияти, кузатиш ва умумлаштириш қобилияти бир хил бўлмаган.

Осмон ёритқичларининг маълум бир вақтдаги ҳаракати, ҳолати билан ердаги барқарор, баъзан истисно тарзидаги сабабий ўзгаришларни пухта ўзлаштирган тажрибадорлар деҳқончилик ва чорвачиликда келгусида кечадиган ҳодисаларни аввалдан айта олганлар. Шундай билимдонлар - ҳисобдонларнинг билимлари туфайли аждоқларимиз табиат ҳодисалари офатидан сақланиш, улардан ўз манфаатлари йўлида маълум даражада фойдаланиш имконига эга бўлганлар.

Муаллиф халқ тақвими келиб чиқишининг тарихий-мифологик, ҳаётий асосларини, у билан боғлиқ урф-одат, маросим, амалий ҳаракатларнинг сабабларини излаб, аниқлаган. Аждоқларимиз қадимдан фазо билан замин ҳаёти ўртасида мустаҳкам боғлиқлик мавжудлигини идрок этиб, уни асотирлар, афсоналар, эртақлар, кўшиқларда бадиий ифода этганларини мисоллар билан кўрсатган [1].

Профессор М.Жўраевнинг яна бир китоби "Наврўз байрами" (2009) халқимизнинг бу улуғ кун билан боғлиқ қарашлар ҳақида маълумот беради. Наврўзга бевосита тарзда, бойчечак, қизил гул, сумалак сайлларини таҳлил этади. Сумалак ҳақидаги афсоналар кўп ва уларда исломгача бўлган қарашлар

ҳам, исломий қатламлар ҳам мавжуд. Туб моҳиятни аниқлаш ниятида муаллиф "сумалак" сўзининг этимологик маъносига алоҳида тўхталади.

Маҳмуд Кошғарий, зардуштшунос Мери Бойс фикрларига таяниб, "сумалак" қадимги туркий сўз бўлиб, у "арпа ёки буғдой маъносини англатади ва сумалак муқаддас таом", деган хулосага келади. Олимнинг хулосасига кўра, Наврўз ва сумалак пишириш удуми ўлиб тирилувчи табиат ҳақидаги кўҳна эътиқодий қарашлар натижасидир. У қиёс учун - қадимги Мисрдаги Осирис, Финикиядаги Адонис, Юнонистондаги Дионис ҳақидаги тасаввурлар ва улар билан боғлиқ урф-одат, маросимларни келтиргани ҳам ўринли бўлиб, халқимизнинг Наврўз ҳақидаги қарашлари тарихи қардошларимиз мифологик тафаккури билан бевосита, турли жаҳон халқлари эътиқодлари, умуминсоний қадриятлар билан билвосита боғлиқлигини аён қилади.

Китобда сумалак ҳақидаги афсоналар, у билан боғлиқ урф-одатлар, уларнинг келиб чиқиши, "сумалак бевити" кўшиқлари тўғрисида фикр билдиради. Сумалак маросими билан боғлиқ "Ашшадарози" номли халқ ўйини таҳлил этилади. Ўйин номидаги "аша" сўзи "Авесто"да учраши ва у ҳақиқат, эзгулик, ҳалоллик маъноларини ифодалашди, олов ва қуёш ҳомийси, эзгулик илоҳаси, ҳосилдорлик рамзи, Ахура Мазданинг қизи Ашани англатиши ҳақида ёзади.

Муаллиф анъанавий кўпқари ўйини ҳақида кузатишлар олиб борар экан, уни Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асаридаги қиш билан ёз мунозарасига қиёслайди, қадимги Хитой солномачилари томонидан битилган "Тан сулоласининг тарихи"даги маълумотларга асосланиб, бир одатни келтиради. Бу одатга кўра, қадимги Фарғонада Наврўз кунини эл икки тарафга бўлиниб, ҳар томондан биттадан жасур, ботир, моҳир қиличбоз ўртага тушиб, жанг бошлар экан. Бу жангдаги тарафларни ҳосилдорлик ва қурғоқчилик тимсоли деб талқин қилар экан, шу одат кўпқари ўйинининг тарихий асосларидан бири бўлса керак, деган фикрни олға суради олим.

"Дастлаб йилбошида ижро этиладиган рамзий ўйин ҳисобланадиган кўпқари, - деб ёзади у, - кейинчалик ўзининг муқаддас анъана сифатидаги аҳамиятини йўқотган ҳамда халқимизнинг барча байрам ва ҳайитлари, тўй-ҳашамларининг томоша унсурига айланиб кетган. "Кўпқари" сўзи ҳам аслида "кўкбўри" бўлиб, қадимги туркийлар орасида мўътабар саналган жонзот сифатида эъзозланган бўри ҳақидаги тасаввурларга боғлиқдир. Чунки туркий қавмлар афсоналарига кўра, Ўғузхон кўкбўри билан учрашиб, деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликни ўрганиб, фаровонликка эришган кун йилбоши қилингани учун ўша байрамнинг рамзий ўйинларидан бирини ҳам муқаддас жонивор номи билан "кўкбўри" деб аташган" [1, Б. 153].

Муаллиф ўрни-ўрни билан туркий халқлардан бошқа жаҳон халқлари тақвимларининг келиб чиқиши тарихига ҳам қиёсий тўхталган ва улар ўртасидаги умумий жиҳатларни кўра олганки, бу академик В.М.Жирмунскийнинг тарихан бир-биридан беҳабар бўлган халқлар ижодидаги умумийликлар тараққиётнинг маълум бир босқичида ижтимоий, тарихий-фольклорий жараёнларнинг яқинлигидан келиб чиққан, деган хулосасини яна бир бор тасдиқлайди.

Халқимизнинг қадимий эътиқод ва маросимлари замиридаги табиатга ва коинотга оид билим ва урф-одатлар моҳиятидаги ҳаётий ҳикматлар ҳам ҳозирги авлодлар томонидан тобора теранроқ ва ҳар тарафлама илмий ўрганилиши, ҳеч шубҳасиз, хайрли ишдир.

Фалакшунос С.Азизов "Наврӯз юлдузи" мақоласида халқимизнинг коинот ҳақидаги қадимий тасавурлари пухта тажриба ва теран билимга, тақвимларга асос бўлувчи аниқ хулосаларга эга эканини назарда тутган ҳолда "Авесто"нинг "Саккизинчи яшт" ("Тиштр яшт") қисми Катта ит юлдуз туркумининг "порлоқ юлдузи" Сириус билан қиёсланадиган Тиштиря юлдузини тарифлашга бағишлангани, Маҳмуд Кошғарий "Девону луғотит турк" асаридаги бир тўртликда тасвирланган "ёруғ юлдуз" Тиштиря аслида Сириус ва Сотис номли юлдузнинг айнан ўзи эканини далиллайди:

*Кулди баҳорнинг юзи,
Оқти сел эриб музи.
Чиқти ёруғ юлдузи,
Тингла сўзим кулгусиз.*

Шундай қилиб, муаллиф Сириуснинг Марказий Осиёда баҳордаги гелиактик чиқиши милоддан аввалги 5-минг йилликда бўлганини, яъни бу воқеа Қадимги Мисрдагидан 2 минг йил аввал, яъни етти минг йил аввал кузатилганини аниқлайди [2, Б.8-9].

Демак, шу тариқа "Авесто" ва "Девону луғотит турк"даги коинот билан боғлиқ билмилар бадиий ифодаси замиридаги мазмунни тобора чуқурроқ англаш имкониятига эга бўламиз.

С.Азизовнинг "Қуёш йўли - зодиак" [3] мақоласида тақвимлар асосида ҳамиша ҳаракатдаги коинотнинг ўзгаришлари доимий эътиборда бўлиши лозимлиги, баҳорги тенгкунлик нуқтаси силжиши ҳодисасининг моҳияти баён этилади. Муаллиф эклиптиканинг ўзига хос нуқталари Қуёшнинг ёзги ва қишки турғунлиги ҳамда кузги ва баҳорги тенгкунлик милоднинг бошида қуйидаги зодикал туркумларда, яни ёзги қуёш турғунлиги - Саратонда, қишки қуёш турғунлиги - Жадийда, баҳорги тенгкунлик - Ҳамалд, кузги тенгкунлик - Мезонда жойлашганини, вақт ўтиши билан эклиптиканинг бу муҳим нуқталари бошқа зодикал юлдуз туркумларидан: ёзги Қуёш турғунлиги - Жавзодан, қишки Қуёш турғунлиги - Қавсдан, баҳорги тенгкунлик - Ҳутдан, кузги тенгкунлик - Сунбуладан жой олганини эслатади. Лекин йил фасллари ҳануз қадимгидек: баҳор - 21 мартда, ёз - 22 июнда, куз - 22 сентябрь, қиш эса - 22 декабрда киришини уқтиради.

"Бу фасл саналари фалакий қонунлар асосида даврлар давомида бир кун кейинлаб ёки илгарилаб туради", дейди [3, Б.40] ва шу жараёнда юзага келадиган, огоҳлик билан ечим танлашни талаб этадиган ҳолатлардан хабардор этадики, бундай маърифий шарҳ кенг омма учун ниҳоятда фойдалидир.

Табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар - фольклор бадиий замирида безавол ва бардавом қадриятлар сифатида яшаб келар экан, қачондан бошлангани олис тарих қаърларида яширин бўлиб қолган бу тадрижнинг нурли зуҳурлари янги авлоднинг улардан бохабарлигида - уларни ўз ўрнида қўллашида ҳам намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жўраев М. Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар. 1994.
2. Азизов С. Наврӯз юлдузи. // Соғлом авлод учун, 2005, 3-сон, 8-9-бет.
3. Азизов С. Қуёш йўли - зодиак. // Соғлом авлод учун, 2002, 11-сон, 38-40-бет.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Курбанова Нигора Рахимжановна

Старший преподаватель кафедры Педагогика и психологии
Государственного института искусств и культуры Узбекистан

РОЛЬ ИЗУЧЕНИЯ ПСИХОЛОГИИ В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСТВА



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-2-8>

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе анализа мнений специалистов - психологов рассмотрена роль изучения психологии в развитии творчества, а также изложены мнения о некоторых сторонах человеческих чувств, которые влияют на творческую деятельность личности.

Ключевые слова: психология, творчество, талант, личность, воображение, эмоции, способности, деятельность, психические процессы, мотивационный аспект.

Қурбонова Нигора Раҳимжановна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
"Педагогика ва психология" кафедраси катта ўқитувчиси

ИЖОДНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПСИХОЛОГИЯНИНГ РОЛИНИ ЎРГАНИШ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мутахассис-психологларнинг таҳлили асосида ижодиётни ривожлантиришдаги психологиянинг роли кўриб чиқилган, шунингдек шахснинг ижод фаолиятига таъсир кўрсатувчи инсоний ҳиссиётларнинг айрим томонлари тўғрисидаги фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: психология, ижод, истеъдод, шахс, тасаввур, ҳиссиётлар, салоҳиятлар, фаолият, психик жараёнлар, рағбатлантириш жиҳати.

Kurbanova Nigora Rahimjonovna

Senior teacher of the Department of Pedagogy and Psychology of the
Uzbek State Institute of Arts and Culture.

THE ROLE OF STUDYING PSYCHOLOGY IN THE DEVELOPMENT OF CREATIVITY

ANNOTATION

In this article considered, based on the analysis of the opinions of psychologists, the role of studying psychology in the development of creativity is considered, and also some aspects of human feelings that affect the creative activity of the individual.

Keywords: psychology, creativity, talent, personality, imagination, emotions, abilities, activities, mental processes, motivational aspect.

Сегодня существует множество теорий, пытающихся объяснить специфику творчества. В обыденной жизни также существует несколько мнений касательно природы таланта. Кто-то говорит, что талант - врожденный, кто-то, что талант формируется в онтогенезе личности, а кто-то и вовсе отрицает его существование, говоря, что все есть лишь умение и навыки.

Психология рассматривает три аспекта творчества - его влияние на умы обывателей, само произведение и личность творца. Все они имеют существенное практическое значение для науки - особенно для педагогики, призванной обеспечивать теоретический базис для создания наилучших условий развития детей, в том числе тех, которые смогут стать учеными и творцами. Уже сейчас существуют методики, направленные на эти аспекты проблематики творчества [1, 27].

Как пишет Пономарев, говоря, что проблема творчества в психологии только начинает свой путь. Задачу, стоящую перед психологами, он определил так: "Наконец, содержание проблемы мы видим в том, чтобы теоретическая и прикладная психология искусства вскрыла все те механизмы, которые движут искусством, вместе с социологией искусства дала бы базис для всех специальных наук об искусстве" [7, 9].

К нынешнему моменту существует некоторое количество теорий, ставящих своей задачей объяснить природу творчества и творца. Довольно долгое время психологи не трогали проблему творчества. Их вполне устраивал умозрительный идеалистический взгляд на его природу. Ученые, писатели были всегда - но вот изучать продукт их деятельности не находилось необходимым.

В девятнадцатом веке учеными-психологами двигала одна лишь любознательность, творчество видели как стихийное проявление человеческого духа, не поддающееся анализу. Существование, каких бы то ни было закономерностей фактически отрицалось, все сводилось к описанию фактов, лежащих на поверхности. Все эти описательные исследования назывались "теорией творчества", не являющейся тогда научной дисциплиной.

На рубеже девятнадцатого и двадцатого веков появились первые исследования, выявлявшие некие закономерности обстоятельств, общие для всех видов творчества, но в методологическом плане фактически ничего не изменилось. В

середине двадцатого века появился социальный заказ на развитие психологии творчества. Старые исследования описательного характера более не могли удовлетворить науку, что стало толчком для появления новых исследований в этой области. Социальный заказ застал психологию творчества врасплох - ученые того времени не обладали фундаментальными знаниями, идеями и теориями. Психологи не могли четко очертить творческую деятельность от не творческой, что существенно осложняло их исследования. Время и общество требовали конкретных решений, которые наука психология не могла предоставить. В этот период развития и начали появляться всевозможные теории творчества, силиющиеся объяснить его природу.

По мнению некоторых специалистов, творец просто перерабатывает реальность в образы, а зритель просто ее воспринимает, оба они совершают интеллектуальную операцию и получают от этого эстетическое наслаждение. Это одна теория.

Вторая теория возникла как своего рода ответ на теорию образности. Она являлась теорией формы - того, что первая теория просто опустила как нечто совершенно незначительное. Можно сказать, что теория образности и теория формы - две стороны одной монеты, одинаково односторонние и делающие акцент на противоположные по сути явления. Формой вторая теория называет пространственное и временное расположение отдельных элементов творческого произведения. Эстетическое удовольствие человек получает от простого созерцания красоты формы и не более того.

Также недостатком этих двух теорий можно назвать их излишнюю рационализацию, то есть сведение творчества к сознанию и только сознанию. Психоанализ, утверждающий главенство бессознательного в жизни человека, вводит в проблему творчества бессознательный аспект. Творчество представляет собой продолжение детской игры, переработанными импульсами Эго в социально-приемлемую форму при помощи защитных механизмов. Психоанализ обесценивает форму. Ей отводится роль обертки в шоколадной конфете - одновременно привлекающе-яркой и скрывающей, маскирующей внутренность, то есть запретные желания. "Актер - это только врач, и искусство только спасает от болезни" [7, 20].

По мнению Винникотта, говоря, что творчество есть здоровье, а попытка соответствовать реальности и адаптироваться под нее - болезнь. То, что искусство оказывает влияние на отдельного индивида, не значит, что искусство не преломляется социальным в самой личности. Таким образом, большинство теорий середины двадцатого века мало затрагивает вопрос о личности творца - ученые изучают само творчество и обстоятельства, которые ему способствуют.

Однако научно-технический прогресс спровоцировал развитие психологии творчества в рамках психологии способностей и в рамках психологии личности и педагогики. Скорее всего, этот запрос был связан с тем, что общество нуждалось в творцах - но анализ самого творчества как продукта не удовлетворял этим требованиям. Обществу нужно было знать, как и из кого воспитать гения, как вычислить потенциал ребенка и как его правильно реализовать. С этим оказалась тесно связана концепция Гилфорда, который определял творчество как дивергентное мышление, подводя его под способность выходить за рамки стереотипов. Именно на ее основе были построены всевозможные тесты на креативность и интеллект, по которым определялся уровень развития личности и ее потенциал. Также проблема начала активно разрабатываться в психологии

способностей.

Разлет в теориях, как и в попытке анализа продуктов творчества, довольно велик. Есть мнение, что творческих способностей не существует, а есть интеллект как предпосылка и личностные, мотивационные и мировоззренческие аспекты. Специалист Богоявленская выделяет креативный тип личности, объясняя творчество как активность, направленную на выход за пределы проблемы и проявляющаяся ситуативно. Также порой проводится водораздел между интеллектом и творчеством, то есть творческие способности выделяются в отдельный фактор.

Таким образом, можно увидеть, что на данный момент творчество рассматривается в личностном аспекте, как процесс и как продукт. Причем везде мы видим существенные расхождения - единственная общепринятая концепция о дивергентном мышлении как основе творчества и та была подвергнута серьезной критике со стороны Богоявленской и некоторых западных ученых [2, 10].

Тем временем, социальный заказ на развитие психологии творчества не уменьшается, а, скорее, наоборот. Значит, необходимо создать общий теоретический базис, который объяснил бы накопленные эмпирические данные и привел к весомым практическим результатам.

Психические процессы в творчестве. Способности, потребностно-мотивационный аспект Человека нельзя рассматривать в определенном контексте, полностью отрывая его от остального. Данные исследования Петрайтите свидетельствуют, что творчество детерминируют многие факторы. Творчество - сложный процесс, в котором есть довольно много аспектов. И, в случае отсутствия у личности хотя бы одного из них, творцом эта личность уже почти точно не станет.

Воображение. Воображение можно назвать центральным звеном творческого процесса, оно интегрирует все способности в одном моменте вдохновения, а также эмоции и рациональность. Воображение жизненно необходимо не только для творчества, но и для нормального функционирования психики. [7, 55].

Воображение связано с процессами памяти, особенно на низших стадиях своего развития, когда идет простое воспроизведение. Но даже такое воспроизведение не может быть досконально точным - память не совершенна, и некоторые нюансы претерпевают изменения, образ не воссоздается у нас в сознании с полной точностью и отчетливостью. Связь эта носит двусторонний характер - воображение формируется в процессе деятельности и одновременно предшествует ей. Существует пассивное воображение, то есть не контролируемое сознанием, и активное, то есть направляемое сознательно. Пассивное подразумевает самопроизвольное обращение образов, их трансформацию. На этом этапе воображение непосредственно связано с процессами памяти. Активное подразумевает целенаправленное изменение образов, оперирование ими. У воображения как психической функции и необходимого элемента творчества и жизни есть определенные функции. Первая функция - сопереживание. Для эмпатии необходимо представить себя на месте другого, чтобы понять и сопереживать.

Вторая функция воображения - хранение опыта в образной форме. Представляя себя в определенной ситуации, похожая на которую уже была, человек предвидит эмоции, с ней связанные. Третья функция - творческая. Воображение играет в нем важную роль - без работы с образами памяти не было бы преобразования

образов, а, следовательно, и творчества [7, 17].

Роль воображения в творчестве. Связь не такова, что воображение - причина, а творчество - следствие, хотя и такая зависимость существует. Тем не менее, ведущей является иная связь. Воображение формируется в творческом процессе, таким образом, есть столько специфических видов воображения, сколько есть специфических видов деятельности. Творчество также зависит и от способности мыслить, познавать окружающую реальность - в противном случае оно не несло бы в себе значимого для общества и личности смысла. Долгое время в науке господствовало представление о творческом мышлении как о дивергентном мышлении. Основоположником этого представления стал Гилфорд, который определил нахождение различия как способность мыслить в разных направлениях, находить выход за рамки стереотипов. Сближение, напротив, носит характер стереотипного мышления, мышления по уже существующим схемам, построенного по принципу очевидности [6, 22].

Эмоции в творчестве. Любое событие в нашей жизни окрашено определенной эмоцией. Порой эмоции определяют наше поведение, руководят нами. И, несомненно, любое произведение пронизано ими. Уже в детстве закладывается основа для эмоций. Она связана с удовлетворением или неудовлетворением потребности - но, при этом, набор эмоций очень ограничен. После, когда ребенок развивается и формируется как личность, его эмоциональный опыт становится все богаче.

Качество и количество этого опыта зависит от атмосферы в семье. В процессе развития ребенок начинает постигать смысл предметов и явлений, что его окружают - через игру, деятельность, общение. Он начинает понимать, что "хорошо", а что "плохо" - формируется нравственность, а с ней развивается и эмоциональная сфера. Стыд, гордость, жалость - все эти эмоции формируются вместе с нравственностью. Также эмоции играют не последнюю роль в деятельности; они пронизывают ее. Они окрашивают мотивацию, результат, личностный смысл деятельности, интегрируя эти подсистемы.

Эмоциональное насыщение жизни творческой личности весьма важно. Человек, не имеющий за плечами должного количества эмоционального опыта, окажется не способен к эмпатии - кроме того, могут возникнуть проблемы с мотивацией деятельности, ее личностным смыслом. А, следовательно, у такого человека нет необходимой предпосылки для того, чтобы творить.

Способности. Есть мнение, что способностей к творчеству нет, есть творческая личность. Было установлено, что интеллектуальная способность не обязательно сопровождается творчеством, следовательно, можно предположить, что творчество не связано или мало связано с интеллектом.

Однако для того, чтобы создать нечто социально значимое и наполненное смыслом, нужно найти то, что значимо для социума и наполнить его смыслом, перевернуть проблему, показать и, возможно, даже решить ее. Без способности мыслить здраво и критично подобное невозможно, а потому мы считаем, что это мнение неверно. Да, действительно, высокоразвитый интеллект не предполагает автоматически высокоразвитых творческих способностей, но связь все же есть, и ее нельзя игнорировать. И нельзя делать столь скороспелые выводы на основании того, что связь эта не прямая и не являющаяся закономерностью.

Можно предположить, что для воспитания творца необходимо найти некоторый

баланс, позволяющий развить у личности необходимые для творчества качества, но при этом не нарушающих регламентированные нормы и требования общества.

Использованная литература:

1. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. - СПб.: Питер, 2001.
2. Богоявленская Д.Б. Что выявляют тесты интеллекта и креативности? // Психология. Журнал Высшей школы экономики. 2004. Т.1. № 2. С.54-65
3. Винникотт Д. Игра и реальность. М.: Институт Общегуманитарных Исследований, 2002.
4. Галигузова Л.Н. Творческие проявления в игре детей раннего возраста // Вопросы психологии. - 1993. - №2. - С.16 - 26.
5. Каневская М.Е., Фирсова Л.М. О связи успешности художественного творчества с направленностью личности у детей. // Вопросы психологии, 1990, №3.
6. Козырева А.Ю. Лекции по педагогике и психологии творчества. - Научно-методический центр Пензенского городского отдела образования, 1994. - 344 с.
7. Пономарев Я.А. Психология творчества и педагогика. - М.: Педагогика, 1976. - 280 с.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Алимджанова Нодира Абдугапаровна

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби
"Санъат назарияси ва тарихи" кафедрасининг катта ўқитувчиси

ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-2-9>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек мусиқа санъатининг ривожланиш жараёнлари, мазмун-моҳияти, кишилар ҳаётида тутган ўрни, мусиқа жанрларининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари ҳамда илмий жиҳатдан ўрганилиши масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: халқ мусиқаси, эпик, оғзаки маданий мерос, маросим, халқ ижодиёти.

Алимджанова Нодира Абдугапаровна

Старший преподаватель кафедры "Теории и истории искусств"
Ташкентской государственной Высшей школы национального танца и
хореографии

К ВОПРОСУ ОБ ИСТОРИИ РАЗВИТИЯ УЗБЕКСКОЙ МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы развития узбекской музыки, творческого наследия узбекского народа, становления и развития музыкальных жанров.

Ключевые слова: народная музыка, эпическое, устное культурное наследие, обряд, народное творчество.

Alimdjanova Nodira Abdugaparovna

Senior Lecturer, Department of "Theory and History of Art"
Tashkent State Higher School of National Dance and Choreography

TO THE QUESTION OF THE HISTORY OF DEVELOPMENT OF THE UZBEK MUSICAL CULTURE

ANNOTATION

The article focuses on the nature of Uzbek music, its role in people's life. As well article examines the process of formation and development of the Uzbek music and scientific research on Uzbek genre.

Key words: folk music, epics, cultural heritage, folk creation.

Ўзбек музыка маданияти кўп асрлик тарихга эга, кўпгина созанда ва хонандалар фаолиятида қарор топган халқ ва оғзаки анъанадаги профессионал (мумтоз) музыка санъати бу ҳақда гувоҳлик беради.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётида тарихий чегараланиш босқичи тахминан бизнинг эра мизгача бўлган биринчи минг йилликдан бошланади. Булар ўтроқ деҳқонлар (суғдийлар, бақтрияликлар, хоразмийлар) ҳамда кўчманчи қабилалар (саклар, массагетлар ва бошқа) эди. Улар ҳақидаги маълумотлар Авесто китобида ҳам учрайди. Халқ поэтик ва музыка санъати ўша даврда синкретик ҳолатда бўлгани тўғрисида Авесто ва бошқа ёзма ёдгорликлар гувоҳлик беради. Синфсиз жамият шароитида Ўрта Осиё музыка асбобларининг асосий - яъни, уриб чалинадиган, пуфлаб чалинадиган ва торли созлар турлари вужудга келган эди.

Эра миздан олдинги VII асрдан то эра мизнинг IV асргача бўлган катта тарихий даврда уруғчилик жамиятининг емирилиши ва синфий жамиятга ўтиш, Бақтрия, Суғдиёна ва Хоразм давлатларининг пайдо бўлиши, аҳмонийларнинг ҳарбий-маъмурий жиҳатдан бирлашувлари, Александр Македонский давлати, Грек-бақтрия подшолиги вужудга келади. Бу давр эпик характерли мифологик қаҳрамонлик устун бўлган қадимги оғзаки музыкали поэтик ижоднинг юзага келиши билан машҳурдир.

Ўрта Осиё халқларининг ўз мустақилликлари учун олиб борган мардонавор кураши қаҳрамонли афсоналарда ва эпик кўшиқларда тасвирланган. Сак афсоналарининг қаҳрамони чўпон Широқнинг жасорати, Рустам ва унинг жанглари тўғрисида ҳикоя қилувчи кўшиқлар мустақил маросим томошаларига айланиб кетган. Кейинчалик бу кўшиқлар ажойиб эпос - "Шоҳнома" асарида ўз аксини топди, Рустам, Сиёвуш ва бошқа баҳодирлар тўғрисида афсоналар туркуми яратилди.

Ўзбек халқи аجدодларининг музыка сарчашмалари Ўрта Осиё территориясида яшаган қардош халқлар, биринчи навбатда тожик халқи ижоди билан мустаҳкам боғланган (X-XI асрларгача), кейинчалик ўзида бир бутунликни ифода этган бу музикий асарлар ўзбек ва тожик музыка маданияти учун умумий асос бўлиб хизмат қилди.

Худоларга сифиниш билан боғлиқ бўлган турли хил маросимларда ҳам кўшиқ айтилган. Авесто мадҳия (яшт)ларининг ўзи речитатив тарзда ижро этилган. Мадҳиялар хор бўлиб айтиш мумкин бўлган банд ва такрорланувчи нақоратли

ярим насрий, ярим вазнли ривоятлардан иборат бўлган, муқаддас олов атрофида кўшиқ айтилган, рақс ижро этилган.

Ўрта Осиёнинг давлатлари территориясида вужудга келган зўравонликнинг мустақамланиши уларни атрофдаги давлатлар билан янада яқинлаштирди: Ўрта Осиё Александр Македонский давлати таркибига, кейинчалик эса Грек-Бақтрия подшолиги таркибига кирган эди.

Эрамизнинг IV асридан бошлаб Ўрта Осиёда қулдорчилик аста-секин феодал тузум билан алмашди. Ўрта Осиёда яшаган турклар ўз давлатчилигининг сўнгги қисмини ҳоқонлик деб атай бошладилар. Ана шу вақтдан бошлаб турклар билан маҳаллий Шарқий Эрон халқларининг қўшилиб яшаш жараёни бошланади.

IV - VII асрларгача давом этган ушбу давр маданият ва санъат турларининг, жумладан, мусиқанинг юқори даражада ривожлангани билан характерланади. Бутун Шарққа ва кейинчалик Шарқ адабиёти классиклари асарларида тасвирланган Ўрта Осиёнинг йирик созанда ва хонандаси, ўнлаб куйлар ижодкори Барбад (ёки Фарлобод)нинг номи машҳур бўлди. Мавр шаҳрида истиқомат қилган Барбад VII аср бошларида Эрон сосонийлари сулоласидан бўлган Ҳисрав саройида хизмат қилган. У мадҳия ва тарихий кўшиқлар, ҳарбий ғалабалар тўғрисида кўшиқлар ижод этган.

Қадимги Панжикентдан топилган ёрқин нақшлар мазкур даврнинг қуроллари ва мусиқа иштирокидаги урф-одатлари тўғрисида маълумот беради. Бу нақшларда икки томонли ногора ва доира жўрлигидаги рақс саҳнаси, дафн маросимида аёл кишининг маросим рақсини ижро этиб турган пайти, ов манзараси, ашула ва рақс иштирокидаги зиёфат каби намуналар нақшланган.

Маҳаллий аҳоли турклар мусиқа ҳаётининг баъзи элементларини мерос қилиб олганлар. "Китоби Дада Кўрқут" туркий халқларнинг XII-XV асрларда яратилган қаҳрамонлик кўшиқлари туркумидир. Кўрқут торли-камонли мусиқа асбоби - кўбиз жўрлигида кўшиқлар ижро этган афсонавий кўшиқчи ҳисобланади. Бу туркумга кирган эпик афсоналар Ўрта Осиё халқлари эпосининг шаклланишига таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, халқ ижоди ва маҳаллий профессионал анъаналар келажакда оғзаки анъанадаги йирик профессионал асарлар туғилиши учун асос бўлиб хизмат қилди (масалан, мақомда "авжи турк" куйи).

Араблар ҳукмронлиги даври (VIII-IX асрлар) тарихда ислом динини мажбуран қабул қилдириш ва маҳаллий халқларнинг тўхтовсиз кўзғолонлари (Муқанна раҳбарлигида "оқ кийимлилар", маҳаллий зиёлилар оппозицияси (шуубийлар) билан жой олди. Шуубийлар арабларнинг исломгача бўлган ибтидоий маданиятларига ўзларининг қадимги маданиятларини қарама-қарши қўйдилар. Шуубийлар шеърлятида халқнинг Наврўз, Меҳржон (ҳосил байрами), Сада (баҳорга ўтиш, январь-февраль) анъанавий байрамлар куйланди.

Ислом дини дастлаб мусиқани йўқотиш, ман этишга уринди, мусиқага дин доирасидагина йўл бериб, дунёвий мусиқага қарши чиқди. Мусиқадан фойдаланиш фақат бир соҳадагина, яъни дарвишларнинг диний зикр тушишлари билан чегараланган эди.

Ўрта Осиёнинг араб халифалигига қўшиб олиниши маълум даражада ижобий аҳамиятга ҳам эга бўлди. Араблар ўз навбатида мусиқа санъати соҳасида маҳаллий аҳолидан кўпгина нарсаларни ўрганиб олдилар. А.Исфажоний араб тилидаги "Кўшиқлар китоби"да Ўрта Осиё куйларидан фойдаланган, Мусаджиқ номи билан

машхур бўлган биринчи араб кўшиқчиси Ўрта Осиёда (бошқа мамлакатлар қатори) ҳам бўлиб, турли хил кўшиқларни танлаб, улар заминда кўшиқлар ижроси тизимини яратди, Ибн Муҳриз эса биринчи бўлиб Ўрта Осиёлик кўшиқчилардан ўрганган ҳолда араб байтларини ижро эта бошлади. Ал Фаробий турли хил асбоблар товуш қаторини ўргана бориб, Хуросон тамбурига алоҳида эътибор берган.

Ўрта Осиё халқларининг босқинчилар зулмига қарши актив кураши туфайли IX асрда ҳокимият Сомонийлар сулоласи қўлига ўтди. Ўрта Осиё ривожланган феодализм палласига кирди. Бу даврда ажойиб олимлар, шоирлар, муסיқачилар: машхур математик ва астроном Аҳмад Фарғоний, йирик олим, алгебра рисоласининг муаллифи Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, ўрта аср Шарқининг таниқли файласуфи, муסיқа соҳасидаги ишлари ўз замондошлари ҳамда ундан кейинги муסיқачилар авлоди учун асос бўлган ал-Фаробий, ўрта асрдаги барча фанларга катта ҳисса қўшган Ўрта Осиёнинг X-XI асрдаги буюк олимлари Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино яшаб ижод қилган.

Сомонийлар давлати шаҳарлари орасида Бухоро катта шуҳрат қозонган. Сарой шоирлари ва муסיқачиларининг ижодида асосий жанр - ҳукмрон шахсларни мақтайдиган ва шарафлайдиган қасида эди. Унинг муқаддима қисми (насиб)га чолғу асбоби жўр бўлар эди. Чолғу асбобида баъзан бирон-бир кечаларда қасидадан алоҳида ҳолда ҳам ижро этилиши мумкин эди. Кейинчалик насибдан муסיқали-поэтик санъатнинг янги, муסיқачи-кўшиқчи - мутриб томонидан ижро этиладиган мустақил шакли - ғазал туғилди.

Илғор ижтимоий қарашлар ва кайфиятларни ифодаловчи кўшиқлар ҳам ижод қилинар эди. Бундай кўшиқлар омма ўртасида жуда тез тарқалиб, X асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган буюк шеър устаси ва ажойиб муסיқачи Рудакийкаби муаллифлар шуҳрат қозонган эди. Муסיқий чолғулардан арфа ва уд туридаги торли ҳамда пуфлаб чалинадиган най туридаги асбоблар кенг тарқалди.

Ушбу даврга келиб фақат халқ оғзаки ижодида расм бўлган қадимги эпик афсона ва ривоятларга қизиқиш кучайди. Асосида икки мисраси ўзаро қофияланган ўн бир бўғинли мутақариб вазн ётган профессионал қаҳрамонлик эпослари вужудга келди. Фирдавсий ўзининг ажойиб "Шоҳнома" достонини яратишда Ўрта Осиё халқининг эпосидан унумли фойдаланган. Бу асар ўша давр муסיқаси, муסיқали ҳаёти, муסיқа асбобларини ўрганиш учун бой манба ҳисобланади.

X аср охирида Ўрта Осиё турли туркий қабилалар ва маҳаллий давлатлар ўртасидаги шиддатли кураш майдонига айланди. Кўчманчи турклар ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлади. Улар Ўрта Осиё халқлари маданияти вужудга келишида тобора муҳим роль ўйнай бошладилар.

Турк тили тез тарқала бошлади, турк тилида дастлабки илмий асарлар пайдо бўлди: Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" ("Турк тиллари луғати")да кўшиқ ва эпик асарлардан парчалар келтирилган; Фаҳриддин Муборакшоҳнинг "Тарих" асарида туркларнинг муҳим поэтик ва муסיқали шакллари ҳақида маълумотлар баён қилинган; XI аср феодал жамияти муסיқа ҳаёти "Қобуснома" ("Қайковус китоби") асарида жамланган бўлиб, унда чолғу муסיқаси нафақат тингловчига ахлоқий таъсир этиш воситаси сифатида, балки даволаш воситаси сифатида ҳам қўлланилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Шу даврда Юсуф Хос Хожибнинг (XI аср) шеърый шаклда ёзилган "Кутадғу билиг" ("Бахт келтирувчи билим"), кейинчалик Аҳмад Яссавийнинг (XII аср) "Девони ҳикмат" каби туркий дидактик поэмалари, шунингдек Фаҳриддин ар-

Розийнинг (XII-XIII аср бошида) мусиқа тўғрисидаги рисолалари вужудга келди.

XI асрга келиб туркий тилда сўзлашадиган халқларнинг маҳаллий аҳоли билан аралашиб ва чатишиб яшаш жараёни ўзбек халқининг шаклланишига олиб келди.

Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё жуда катта ташқи мавқега эга бўлди. Шаҳарлар ўсиши билан бирга бу даврда маданият ҳам ўсиб боради. Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асарида ҳунармандлар санъати хилма-хил бўлиб, ўзида ашула, сўз ва рақсни жамлаганлиги ҳақида маълумот беради, халқ қўшиқлари ва эпик дostonларидан иборат бўлган хилма-хил куйларни ҳам таъкидлайди.

XV асрнинг иккинчи ярмига келиб Самарқандга нисбатан Ҳирот маданий ривожига билан юқорига чиқади, бу ерда адабиёт ва санъат: архитектура, рассомчилик ҳамда мусиқа юксалади. Ҳиротда маданий ҳаётнинг гуллаб-яшнаши Алишер Навоий номи билан боғлиқдир. Буюк аллома ўзининг "Мезон ул-авзон" ("Вазнлар ўлчови") рисоласида бир қатор янги вазн ўлчовларини кўрсатиб берган.

Бобурнинг "Бобурнома" асарида, шоир Зайнулдин Восифийнинг "Бадосулвақоеъ" ("Ажиб воқеалар") китобида Ҳиротда ижод қилган санъаткорлар тасвирланган: Кулмуҳаммад ва Ҳусайн Удийлар(уд ва гижжакда), Шайх найи, Хўжа Абдулла Марварид, Мирза Байрам, Саид Аҳмад (ноғорачи) ва бошқалар.

XV асрда чолғу асбобларида, хусусан торли асбобларда мусиқа чалиш кенг тарқалган эди. Ушбу даврнинг ўзбек шоири Аҳмадий ўзининг "Созлар мунозараси" оригинал асарида чолғуларнинг поэтик тасвирини батафсил ифодалаб беради.

IX-XI асрларда мусиқа фанига асос солиниб, Ўрта Осиёнинг ўрта асрда яшаган олимларнинг деярли барчаси бу масала билан шуғулланганлар. Масалан, Фаробий мусиқа билан поэзия чуқур боғланган, мусиқа шеърдаги вазнлар нисбати билан ҳам мустаҳкам алоқада, ритм эса поэзия билан мусиқани бирлаштирувчи бошланмадир, деб таърифлаган.

Фаробий Шарк фанини антик фан, қадимий Юнон фани билан боғлади. У Аристотелнинг шарҳловчиси сифатида ҳам машҳур эди, шу боис Фаробий "иккинчи муаллим" деган фахрий ном олган.

Мусиқа назарияси масалалари билан Шарқнинг улкан олими Ибн Сино ҳам шуғулланган. Аллома яратган асарларининг айрим бўлимларида мусиқа, унинг физик хоссаси, мусиқий парда ва ритмик асоси ҳақида маълумотлар бор. Ибн Сино "Китоб уш-шифо" ва "Китоб ун-нажд" асарларида мусиқа фанининг акустика, "Донишнома"да математика томонларини ривожлантиради. Назарий асарлар мусиқа санъатининг монодия табиатига асосланган эди. Биринчи бўлим (илми таълиф) овозларнинг ўзаро муносабатлари, товушқаторларини ўрганишга, иккинчиси (илми иқъо) эса ритм ҳақидаги таълимотдан иборат эди.

XV асрнинг иккинчи ярмида мусиқа назариясига оид асосий қонунларини давом эттирган ва ривожлантирган тожик шоири Абдурахмон Жомийнинг (1414-1492) "Мусиқа ҳақида рисола"си ана шундай асарлардан ҳисобланади. Жомий овозларнинг интервал ҳолдаги ўзаро муносабатларини беради, уларни торнинг қисмлари нисбатидан чиқарган ҳолда асосий жинс - товушқаторларни (тетрахорд ва пентахорд) ташкил қилиш ҳамда улардан жамлар(пардалар) ташкил этиш усулини кўрсатади. Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа маҳсули ўн икки мақомлардан келиб чиқиб, Жомий асосий товушқаторларни ўн етти поғонали гамма ҳосил қилувчи ўн етти бўлакка бўлади.

XV асрнинг иккинчи ярмиданги ўзаро урушлар шаҳарларнинг бўшаб, вайронага

айланиши Ўрта Осиё халқининг қашшоқланишига олиб келди. Бу жараён ўзларини ўзбеклар деб атаган кўчманчилар бошлиғи Шайбонийхон ҳокимиятини қўлга олган XVI асрнинг бошидаёқ жадаллашган эди. Ана шу вақтдан бошлаб "ўзбеклар" деган халқ номи қарор топади.

XVII ва XVIII асрларда феодал тарқоқлик кучаяди. Катта феодал давлати алоҳида хонликлар: Бухоро, Хива ҳамда Қўқон хонликларига бўлиниб кетади. Бундай бўлиниш ўзбек халқининг мусиқа маданиятида ҳам акс этди.

Ўзбек хонлари саройидаги мусиқа ҳаёт асосан темурийларнинг Ҳирот ва Самарқанд саройларидаги анъаналарини давом эттиради. Кўпгина шоир ва мусиқачилар Бухородаги шайбонийлар саройига, бир қисми эса Хоразмга кўчади. Бухоро ва Хоразмнинг аралаш ўзбек ва тожик мусиқали-поэтик анъаналари янада тараққий топиши ана шулар билан изоҳланади.

XVI аср шоирлари ва мусиқачилари, шунингдек, мусиқа илмининг билимдонларидан Нажмиддин Кавкабий ижоди катта қизиқиш уйғотади. Унинг "Мусиқа ҳақидаги рисола" асари устоз анъаналарини Самарқанд ва бошқа шаҳарларда давом эттирган шогирдлари учун (Ҳожи Муҳаммад, Мавлоно Ризо Самарқандий) мусиқали-поэтик қўлланма бўлган эди.

XVII асрнинг сарой мусиқачи ва назарийчиси Дарвишали Чангий бўлиб, яратган рисоласида мусиқага оид назарий асосларни баён қилиб қолмай, балки асарларининг катта қисмини турли даврларда яшаб ижод этган бир қатор мусиқачилар фаолияти, шунингдек, саройда мавжуд бўлган мусиқа асбоблари тавсифига ҳам бағишлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вызго Т., Рашидова Д. Музыкально-теоретическое наследие великих среднеазиатских мыслителей. - в сб.: Вопросы музыкальной культуры Узбекистана, вып 2. - Ташкент. 1969.
2. Ганиева И. Шарқ мамлакатлари мусиқа тарихи. - Тошкент. 2010.
3. Матякубов О. Фароби об основах музыки Востока. - Тошкент. 1986.
4. Муродова М.Ш. Фольклор ва этнография. - Тошкент. 2008.
5. Пугаченкова Г., Ремпель Л. Очерки искусства Средней Азии. Древность и средневековье. - Москва. 1982.
6. Соломонова Т. Ўзбек мусиқаси тарихи. - Тошкент. 1981.

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ CROSSROADS OF CULTURE

Бобур Каримов

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг
Фарғона минтақавий филиали 2-курс талабаси

Карим Юлдашев

Илмий раҳбар
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби

МУСИҚАЛИ ТЕАТР АКТЁРЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ОМИЛЛАР



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2019-2-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бўлажак мусиқий театр актёрларининг сахна маданияти, вокал, нутқ ва овоз имкониятлари хусусида сўз юритилади. Шунингдек, мақолада ижро ва нутқ маҳоратини ошириш, овоздаги камчиликларни бартараф этиш ҳақидаги фикрлар ҳам келтирилиб ўтилади.

Калит сўзлар: актёр, театр, маҳорат, нутқ, орфоэпия, вокал, ижро.

Бобур Каримов

Студент 2-курса Ферганского регионального филиала государственного
института искусств и культуры Узбекистана

Карим Юлдашев

Научный руководитель
Заслуженный деятель искусств Республики Узбекистан

ФАКТОРЫ, ЗНАЧИМЫЕ В РАЗВИТИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУЗЫКАЛЬНОГО ТЕАТРА

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматриваются культурные, вокальные, речевые и голосовые возможности будущих актеров музыкального театра. В статье также обсуждается,

как улучшить свои навыки пения и разговорной речи.

Ключевые слова: актёр, театр, мастерство, речь, орфоэпия, вокал, перформанс.

Bobur Karimov

2nd year student of the Fergana regional branch of the state
institute of arts and culture of Uzbekistan

Karim Yuldashev

Scientific adviser
Honored Artist of the Republic of Uzbekistan

FACTORS SIGNIFICANT IN THE DEVELOPMENT OF MUSICAL THEATER ACTIVITIES

ANNOTATION

This article discusses the cultural, vocal, speech, and voice capabilities of future actors in a musical theater. The article also discusses how to improve your singing and speaking skills.

Key words: actor, theatre, mastery, speech, orphoepey, vocals, performance.

Театр санъати ҳамиша миллатнинг кўзгуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғиботчиси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Давр ўзгаради, бир авлод ўрнини иккинчи бир авлод эгаллайди. Бироқ санъаткорнинг томошабин ва халқ олдидаги масъулияти, бурчи, вазифаси ўзгармайди. Саҳна санъати воситасида одамларни эзгуликка чорлаш ҳар доимгидек муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

Муסיқали драма ўзбек театри саҳнасида айрича эътибор, ардоқли ўрин тутиб келгани маълум. Муסיқали драманинг устахонаси, таъбир жоиз бўлса шаклланиши, "туғруқхонаси" бу Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда унинг Нукус ва Фарғона минтақавий филиаллари, Ўзбекистон давлат консерваторияси десак ҳам муболаға қилмаган бўламиз. Республика ва вилоятлар театрларига, хусусий театр студияларига малакали олий маълумотга эга бўлган кадрларни, етук актёр ва ижрочиларни шакллантиришда жонбозлик кўрсатаётган ушбу олий таълим муассасаларида бугунги кунга келиб талабаларга кўплаб профессор ўқитувчилар, халқ таниган ва эъзозлаган ижодкорлар сабоқ бериб келмоқдалар. Албатта, ўз касбининг етук усталари, малакали мутахассисларнинг бераётган таълим ва тарбияси ўргатаётган ҳар бир ижодий жараёнлари ёш ва серҳаракат талабаларнинг келгуси фаолиятларида қўл келиши турган гап.

Барчамизга яхши маълумки муסיқали драма асарларини кенг оммага тақдим этувчи асосий устахона ҳисобланган Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқали театрида йигирманчи аср ўзбек маданияти тарихида олтин ҳарфлар билан ёзиладиган кўплаб бадиий баркамол саҳна асарлари яратилган.

Бежизга ушбу мавзу ҳақида тўхталмаяпмиз. Айнан бугунги кунда санъатнинг театр ва режисёрлик турларини танлаётган, ушбу йўналишларга қизиқаётган ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Бироқ бу ёшларнинг ҳаммасида ҳам ушбу йўналишларга иқтидор бор деб айта олмаймиз. Қизиқиш, интилиш ва машҳурликка бўлган ташналик айнан ёшларни бу каби соҳаларга иштиёқларини оширмоқда. Балким

танловлар тўғридир бироқ, уларнинг барчаси ҳам шу касбнинг етакчилари бўла олмаяптилар.

Муаммо нимада? Муаммо ана шу талабанинг ўзидадир?

Бу қайсидир маънода тўғри бўлиши ҳам мумкун. Биласизми юқорида айтиб ўтган олий таълим даргоҳларида соҳанинг ҳақиқий етакчилари ёшларга сабоқ бериб келмоқдалар. Бироқ айрим талабалар Актёрлик маҳорати, Саҳна нутқи ва Вокал дарсларида сал бефарқ ва безътибор бўлиши натижасида келгусида уларнинг маҳоратларида, нутқи ва куйлаш жараёнида қатор муаммолар вужудга келмоқда.

Актёрлик маҳорати, саҳна нутқи, вокал, пластика, ритмика, пантомимо, рақс ва бошқа қатор ижодий дарслар бутун бир "АКТЁР"ни тарбиялайди. Бу бор гап. Агар талаба актёр юқорида келтириб ўтилган қайсидир дарсга бефарқлик қилса ёки мунтазам дарс қолдираверса у келажакда қандай актёр бўлади?

Бугун замон ўзгарган, талаб ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Шундай экан талаба актёрлар устозлар бераётган, ўргатаётган ҳар бир дарсни мунтазам вужуди қулоқ бўлган ҳолда эшитиши, тинглаши мақсадга мувофиқ бўлса, уни амалиётда қўллаш ва мунтазам равишда такрорлаб бориш яхши натижа бўлади. Бордию берилган вазифалар бажарилмай қолса келажакда кино, театр ва телевиденида овози ва нутқида камчиликлари талайгина бўлган қиёфалар пайдо бўлади. Бу эса соҳанинг ривожига тўсиқ бўлади.

Театр санъатининг асосий компонентларидан бири бўлган саҳнавий нутқнинг техника қисми функцияларидан бири овоздир. Ҳар бир театр санъати ижодкорининг нутқи табиатан жарангдор овозли, соғлом, ёқимли бўлиши керак. Бироқ, барча актёрларимизнинг нутқи шундаймикин? Саҳна нутқи фанининг асосий вазифаларидан бири, ҳар бир товуш, сўз ва жумлаларнинг талаффузини аниқ, равон, таъсирли, орфоэпик қоидаларига жавоб бераоладиган бўлишини таъминлашдир.

Баъзида сўз ижрочилари, адабий талаффуз деганда нутқдаги орфографик қоидаларга тўла риоя қилишни, яъни китобда қандай ёзилган бўлса шундайлигича талаффуз этишни тушунадилар. Бу мулоқот хатодир, чунки ёзма нутқни жонли нутқ заминига кўчириш жараёнида барча нутқ товушларни тўлиқ шакиллантириш эмас, балки айримларини заифлаштириш, асимилияция, десимилияция, метотеза, протеза каби бир қатор фонетик ҳодисаларни амалда ижодий қўллашга ҳам қобил бўлиши керак. Аммо бу дегани сўз талаффузида лаҳжа ишлатиш эмас. Лаҳжавий нутқ бу орфоэпик қоида нормаларини бузибгина қолмай, нутқ интонациясига, унинг саҳнавий хатти-ҳаракатига путур етказди.

Шу боис сўз санъати, нутқ маданияти билан шуғулланган ижодкор орфоэпия қоидаларини мукамал билиши керак. Саҳнавий нутқнинг энг қимматбаҳо хислатларидан бири унинг объектив воқеиликнинг образли кўринишларида, эстетик баркамол акс этиришдир. Шунинг учун саҳна нутқи, нутқдаги ҳаётийлик асосларини чуқур ўрганиши, амалда уларга қатъий риоя қилиш шарт. Бу орфоэпия ўз ичига олувчи адабий талаффуз нормаларини белгиловчи қоидалардир. Бироқ бу нутқ билан шуғулланувчиларнинг адабий талаффуз нормаларини эгаллашни ўзи кифоя деган гап эмас. Чунки саҳнавий ижодкорликда, персонаж тили, саҳна нутқи ва мусиқали театр актёрларининг ария ва қўшиқларни соф талаффузда куйлаш жараёнлари бор.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Фаргона минтақавий филиалининг фахрий

профессори, режиссёр Карим Йўлдошев билан бўлган суҳбатимизда улар режиссёр-педагог сифатида шундай фикрларни билдириб ўтган эди: "Дебют-2018" театр фестивали. Барча вилоят ва Республика театрларининг спектакллари кўрар эканман, улардаги муаммоларни ва камчиликларни театршуносларимиз, режиссёрларимиз, профессор олимларимиз ёритиб беришга ҳаракат қилишди. Улар фақатгина режиссура, драматургия, актёрлик маҳорати, декорация, мусиқа, ёритишлар ҳақида гапиришяпти-ю, лекисн персонажнинг тили ёки саҳна тили тўғрисида ҳеч қандай гап йўқ. Ваҳоланки, актёрларимиз гапиришни билишмайди. Биз актёрларга яъни талабаларимизга саҳна нутқи фанидан нутқ техникасини ўргатамиз-у спектаклларда асар оҳанги-ю, сўз жарангини топа олмаймиз. Саҳналаштирилган спектаклларда актёрларнинг сўзларига тушуниш жуда қийин, лекин драматургия жанрларида драманинг, трагедиянинг, комедия ва мусиқали драманинг ҳам ўз тили борлигини ва шу тилнинг моҳиятини бугун сиз талабаларимизга ўргатишимиз зарур деб ўйлайман. Чунки келгусида сизларда ҳам шундай камчиликлар сезилмасин."

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўринадики бугун бир мунча оқсалишларимиз бордек. Шундай экан талаба актёрларга саҳна нутқини ўргатишда янги методларни қўллаш ва топиш лозим деб ўйлаймиз. Саҳнада кечаётган ҳаёт воқеилигини англаш бирламчи сўзларга ва хатти-ҳаракатга боғлиқ. Чунки, барча хатти-ҳаракат, сўзлардан, жумлалардан, фикрлардан туғилади.

Мусиқали спектаклларда бирламчи бу овоз. Овоз инсон олий асаб тизимининг маҳсули бўлиб, унинг манбаи томоқда жойлашган товуш пайчаларидир. Бу пайчалар жуда сезгир ва ҳаракатчанг шиллиқ пардадан иборат бўлади. Олий асаб тизимининг муайян сигнали билан товуш пайчалари титрайди, чўзилади, қисқаради, ғоят нафис ҳаракатлар комплексини бажаради, натижада товуш пайдо бўлади. Ташқарига чиққунга қадар турли қайтарғич (резонатор)ларга урулиб чиқади. Ана шу товушга овоз дейилади.

Нутқ, кўшиқ - бу санъат, ижодий вазифани амалга ошириш учун нозик ёндашувни талаб қилувчи соҳа ҳисобланади. Актёр ва хонанда учун унинг танаси ва овози муҳим ихтисослик қуроли ҳисобланади, улар устида узоқ муддат ишлаш, тарбиялаш натижасида овозни такомиллаштириш ва ифодали қилиш мумкин. Ўз овоз аъзоларининг доимий равишда "жанговор холатда" бўлиши учун доимо машқ қилиб туриш муҳим ҳисобланади. Маълумки, жаррохлар ўз панжаларининг ҳаракатчанлигини доимий таъминлаб туриш учун турли мусиқа асбобларида машқ қилади.

Мана шундай машқлар айнан овоз аъзолари учун ҳам зарур. Айнан шундай машқлар "алифбо"да берилади. Актёр, мусиқачи ва ҳатто, педагогнинг фаолияти - бу руҳият билан боғлиқ ишдир. Шу ўринда "ҳатто педагог билан" дейилишида гап бор, негаки, актёр ва мусиқачи фақат ҳиссиёт билан таъсир ўтказса, педагог асосан ақл, заковат билан иш олиб боради. Тингловчилар қалбида чуқур из қолдириш ва улар руҳига илиқлик бағишлаш учун овоздек муҳим қуролни етук даражада эгаллаш талаб қилинади. Бундай қуролга қисқа муддатда эга бўламан, деганлар хато қилади, бунинг учун узоқ йиллир тинимсиз, сабр ва тоқат билан меҳнат қилиш зарур бўлади. Чунки ҳали юришни билмайдиган боладан рақс ҳаракатини бажаришни талаб қилиш хато бўлганидек.

Инсон дастлаб юриш ва туришни, сўнгра эса рақс тушишни ўрганади, шунда ҳам, энг оддий ҳаракатлардан бошлайди. Шунинг учун ҳам талаба аввал айрим

товушларни тўғри талаффуз қилиш, энг содда вокал машқларини бажариш, сўнгра ўз кўникмаларини ва репертуарини бойитиб, мураккаблаштириб бориши зарур бўлади.

Машқ - бу энг муҳим машғулоти! Саҳнага чиқиш, ўз ижодий ниятларини амалга ошириш ва томошабинлар эътиборига сазовор бўлиш катта маҳоратни талаб қилади.

Бундан кўринадикки куйлаш ва сўзлаш учун актёр ва талаба актёрда ўз устида тинимсиз ишлаш кераклиги муҳим ҳисобланади. Табиатан унга овоз берилган бўлса ҳам уни ривожлантириш ва мукаммаллаштириш зарур. Нутқ ҳам ўзига эътиборни қаратишни тақозо этади. Шу боис К.С.Станиславский шундай ёзади: "Саҳнадаги талаффуз санъати куйлашдан енгил эмас, мукаммалликка эришиш учун катта тайёргарлик ва техник машқларнинг натижасига эришишидир".

Шунинг учун ҳам ҳамма вақт талабаларга техник машқлар бажартириб, улардаги органик ва ноорганик камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилинади. Ваҳоланки, шу билан биргаликда овоздаги жарангни ва оҳангни топишни унутиб қўямиз. Бу билан нима демоқчимиз, актёрларимиз театрларда репетициядан олдин нутқ техникаси, нафас, овоз қиздириш ва унли товушлар талаффузи билан бир оз шуғиллансалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Муסיқали спектакллардаги нутқнинг камчиликлари шундан иборатки, баъзи актёрларимиз сўздан арияга ёки дуэтга ўтишда ҳолатдан чиқиб куйлашади. Ваҳоланки, актёрлар ҳолатдан, бўлаётган воқеадан келиб чиққан ҳолда куйлашлари кераклигини, бу шарт эканлигини эса баъзан унутиб қўйишади.

Умуман бу борада энг муҳими, таълим жараёнининг қай усулда олиб борилиши эмас, балки талабаларда актёрлик маҳоратини имкон қадар чуқур шакллантириш ва бу йўлда самарали натижаларга эришишидир.

Саҳна - муқаддас даргоҳ. Санъат мактабига қадам қўяётган ҳар бир талабанинг қалбида ана шу саҳнага муҳаббат, ҳеч бўлмаса чуқур ҳурмат ҳисси ниш урган бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева М. Актёрлик маҳорати. - Тошкент: Фан ва технология, 2010.
2. Пирматов Ш. Вокал техникаси асослари. - Тошкент: Муסיқа, 2011.
3. Станиславский К.С. Сайланма. 3-жилд. - Москва: Искусство, 1955.
4. Халикулова Г. Саҳна нутқи маҳоратини эгаллашда услуб ва воситалар. - Тошкент: Фан, 2008.
5. <http://uza.uz/oz/politics/adabyet-va-sanat-madaniyatni-rivozhlantirish-khal-imiz-mana-03-08-2017>.

"МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ" ЖУРНАЛИ

Тақдим этилаётган мақолаларга қўйилган талаблар:

1. Мақолалар ўзбек, инглиз ва рус тилларида минимал 8 саҳифадан иборат бўлиб, Microsoft Word дастурида Times New Roman шрифтида 14 кегль, 1,5 сатр оралиғида, саҳифалар барча томондан 2 см қолдирилган ҳолда бўлиши шарт.

2. Сатр боши - 1,25 см бўлиб, сатрларни энига тўғирлаш, сўзларни бошқа қаторга кўчириш автоматик тарзда бўлиши лозим.

3. Биринчи қатор марказдан муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, иккинчи қаторда муаллифнинг иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони, e-mail ва телефон рақами, учинчи қаторда саҳафанинг ўртасида бош ва қалин ҳарфлар билан мақоланинг номи ёзилади. Ушбу маълумотлар ўзбек, инглиз ва рус тилларда берилиши лозим.

4. Кейинги қатордан ўзбек, инглиз ва рус тилларида 150-200 сўздан иборат аннотация берилади.

5. Кейинги қатордан ўзбек, инглиз ва рус тилларида калит сўзлар берилади.

6. Кейинги қатордан асосий матн бошланади.

7. Мақолалар илмий аҳамиятга эга бўлиб, улардаги факт ва фикрлар асосланган ҳамда мустақил маъно касб этиши лозим, плагиат ҳолати тақиқланади. Муаллиф фойдаланилган адабиётларни аниқ кўрсатиши, олинган иқтибосларнинг аниқ манбаларини келтириши лозим.

8. Web of science ҳамда Scopus тизимидаги журналлардан иқтибослар олиш мақсадга мувофиқдир.

9. Адабиётларнинг тўлиқ рўйхати асосий матндан сўнг алифбо тартибида кўрсатилиши лозим.

JOURNAL CROSSROADS OF CULTURE

Requirements of the articles submitted:

1. Articles should be at least 8 pages, in Times New Roman, 14 pt., 1,5 inter.
2. The line head should be 1,25 cm, line spacing, and the words should be automatically moved.
3. The first and last names of the author in the first line, and the title, position, academic degree and title of the author, e-mail address and telephone number in the second line, the name of the article in bold letters in the third line. This information certainly must be entered in Uzbek, English and Russian.
4. An annotation of 150-200 words in the next line in three languages.
5. Key words from the next row in three languages.
6. The next line begins with the main text.
7. Articles must be of scientific importance and facts and opinions in the article should be well-grounded and have an independent meaning, and they must be free of plagiarism. The author must clearly demonstrate the literature used in his or her opinion, and provide the exact sources of the extracts.
8. Quotes should be from "Web of science" and "Scopus" journals.
9. A complete list of publications should be followed in alphabetical order after the main text.
10. Seals and references should be in the main text [1, 25].

ЖУРНАЛ ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статьи должны содержать 8 страниц, в формате Times New Roman на Microsoft Word, 14 кегль, 1,5 см, со всех сторон 2 см.
2. Начала абзаца - 1,25 см, формировать строки по ширине, перенос слов в другой ряд должен быть в автоматическом порядке.
3. В первой строке от центра Ф.И.О. автора, во второй строке место работы, должность, ученая степень и ученое звание, e-mail и номер телефона, в третьей строке по центру страницы прописными буквами жирным шрифтом название статьи.
4. В следующей строке аннотация из 150-200 слов на трех языках: узбекский, английский и русский.
5. Со следующей строки ключевые слова.
6. Далее начинается основной текст.
7. Статьи должны иметь научное значение, факты и идеи должны быть обоснованными и избежать плагиатства. Автор должен точно указать использованную литературу и ссылку на источники, при помощи которых он выразил свое мнение.
8. Сноски или ссылки должен быть взяты из Web of science, а также системы журналов Scopus.
9. Полный список литературы должен быть указан после основного текста а алфавитном порядке.



ISSN 2181-0737

Doi Journal 10.26739/2181-0737

МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ

ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ

CROSSROADS OF CULTURE

№2 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темуր пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000